

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим Вазирлиги

Қарши Давлат Университети
фалсафа кафедраси

Санжар ЧОРИЕВ

ОНТОЛОГИЯ

Қарши - 2010

Китобда фалсафанинг борлиқ муаммоси, борлиқ шакллари ва даражалари, ундаги ўзаро алоқадорлик ва тараққиёт билан боғлиқ илмий-назарий билимлари умумлаштирилади. Таълим муассасаларида фалсафадан назарий ва амалий машғулотлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, фалсафа фанини ўзлаштираётган талабалар ва аспирантларга мўлжалланган.

Қарши Давлат Университети Илмий Кенгашининг 2010 йил “___” апрелдаги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Такризчилар: ф.ф.д., проф. И. Э. Худойбердиев
 ф.ф.н., доц. М. Э. Эшматов

К И Р И Ш

Фалсафанинг борлиқ муаммоларига, ундаги алоқадорлик ва ўзгарув-чанликка бағишланган қисми “онтология” (юнонча “ontos” (борлиқ) ва “lo-qos”(таълимот) сўзларидан) деб аталади. Мазкур терминни илк бор Х. Вольф қўллаган. Онтология борлиқ муаммосининг ўзига хос хусусиятлари ва ас-пектлари, борлиқнинг шакллари ва даражалари, ундаги ўзаро алоқадорлик ва ўзгарувчанлик ғояларини ўрганади.

Оламни ўрганувчи турли фанлар тизимида фалсафа ўзига хос ўринга эга. Бунинг сабаби шундаки, фалсафа, барча фанлардан фарқли ўлароқ, бор-лиқни бир бутун, яхлит реаллик сифатида тадқиқ этади ва унинг энг умумий томонларини, ундаги нарса ва жараёнлар ўртасидаги алоқадорлик ва боғла-нишларни кенг қамровли фалсафий умумлашмалар асосида ёритади.

Онтологияда нафақат борлиқнинг мавжудлик усуллари ва шакллари муаммоси, балки борлиқдаги универсал алоқадорлик, борлиқ шакллари орасидаги ўзаро алоқадорлик билан боғлиқ муаммолар алоҳида аҳамият касб этади. (Ушбу алоқадорликни ўрганиш методологияси эса гносеологияга та-аллуқли масаладир). Борлиқдаги универсал алоқалар, хусусан структуравий ва детерминация алоқалари ҳозирги замон фалсафасида метафизика, диа-лектика, синергетика, тушуниш услуби, интуиция услуби, феноменология, прагматизм, реалистик услуб ва шу кабилар позициясидан пухта ўрганилган. Турли позициялардан юритилган мулоҳазалар борлиқ манзарасини яхлит тасаввур этиш, ундаги алоқадорлик мантиғини ўрганиш, оламнинг ривож-ланиши қонуниятларини аниқлаш имконини беради.

Албатта, оламнинг илмий-фалсафий манзарасига доир замонавий му-лоҳазалар билан танишарканмиз, унинг фан ва техника кашфиётлари шаро-фати билан янада тўлишиб, аниқлашиб, мукамаллашиб боришини назарда тутишимиз лозим.

Ушбу рисолада ҳозирги замон фалсафасининг борлиқнинг илмий-фалсафий манзараси, ундаги алоқадорлик характери ва ривожланиши манти-ғи ҳақидаги мулоҳазалари баҳоли қудрат умумлаштирилади.

Биринчи боб БОРЛИҚНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ

§1. Фалсафада борлиқ муаммосининг қўйилиши

Борлиқ –ўтмиш ва ҳозирги замон мутафаккирларининг аксарият қисми томонидан фалсафанинг асоси деб эълон қилинган тушунчадир. Шу сабабдан фалсафий тафаккур тарихида мазкур категория кескин ва қизиқарли муноза-ра ҳамда баҳсларга сабаб бўлган. Борлиқ муаммосини таҳлил этаётганда ақл умумлаштириш ва мавҳумлаштиришнинг энг

юқори даражасига қадар парвоз қилади. Бу бежиз эмас: борлиқни фалсафий тушуниш инсон ҳаётининг маъ-носи, мазмуни тўғрисидаги масалаларга бориб тақалади.

а) борлиқ муаммоси

Хўш борлиқ муаммосининг моҳияти нимадан иборат? Бу саволга жавоб бериш учун энг аввало ушбу муаммонинг инсон ва инсоният ҳаётида тутган ўрнини англаб етишимиз керак.

Кундалик ҳаётимизда ва фаолиятимизда биз шубҳа туғдирмайдиган фикрларга таянишга ҳаракат қиламиз. Бундай фикрларнинг энг биринчиси оламнинг “ҳозир” ва “шу ерда” мавжудлиги ҳақидаги қарашлардир. Амин-мизки, табиат ва жамиятдаги ўзгаришлардан қатъий назар олам яхлит бир бу-тунлик сифатида сақланиб қолаверади.

Ана шундай универсал асос вазифасини ўтовчи фикримиз шубҳа ости-да қолганида борлиқ муаммоси юзага келади. Шубҳа учун эса асос етарли: табиат ва жамият тараққиёти шундай масалаларни туғдирадики, бу масалалар ҳаётимизнинг англаб етилмаган томонлари ҳақида фикр юритишга ундайди. Айниқса жамиятда зиддиятларга тўла вазият юзага келганида борлиқ ва йўқ-лик хусусида ўйга толамиз.

Борлиқ ҳақидаги мулоҳазаларимиз оламнинг “ҳозир” ва “шу ерда” мав-жудлигини аниқлаш билан интиҳосини топмайди. Олам “ҳозир” мавжуд экан, “аввал” ҳам, “бундан кейин” ҳам мавжуд бўлади. Демак, олам ҳамиша ва ҳамма жойда мавжуддир.

Дарҳақиқат, олам, “шу ерда” мавжуд, деб таъкидлашнинг ўзиёқ олам-нинг ўтмиши ва келажаги ҳақидаги масалани кун тартибига қўяди. Ушбу масалани муҳокама қилган файласуфларнинг бир гуруҳи чек-чегараси йўқ оламнинг абадий эканлигини уқдириб ўтадилар. Бошқа бир гуруҳ файласуф-лар эса оламнинг ўтмишда ва бугун мавжудлигини, бундан кейин ҳам мав-жуд бўлишини тан олсаларда, унинг маконда туби, замонда чеки борлигини таъкидлайдилар. Хуллас, фалсафада оламнинг мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазалар унинг чекли ёки чексизлигига доир муаммоларга бориб тақалади. Ҳақиқатан ҳам, олам абадий бўлса, нега уни ташкил этган нарсалар ўткинчи? Бу ва бунга ўхшаш саволлар занжири борлиқ муаммосини юзага келтиради.

Оламнинг “ҳозир” ва “шу ерда” мавжудлиги исботлаш мушкул эмас, чунки бунда реал фактларга, ҳаётий тажрибага асосланса бўлади. Бироқ оламнинг абадийлиги хусусида фикр юритаётганда қатор муаммоларга дуч келамиз. Зеро, бунда кузатиш ва тажрибаларга асосланиб хулоса чиқариб бўлмайди. Аксинча, Коинотнинг чекланган маконида чекланган умр кўришга маҳкум этилган инсон учун абадий оламнинг ўзига хос хусусиятларини англаб етиш ниҳоятда мушкул. Шу сабабдан чексиз ва тубсиз, абадий борлиқ-нинг мавжудлигини тушуниш машаққатли кечади. Борлиқнинг абадийлигини ва ундаги

нарсаларнинг ўткинчилигини англаб етиш учун юксак даражада тафаккур юритиш қобилиятига эга бўлмоқ даркор.

Хуллас, борлиқ муаммосининг биринчи аспекти бир-бирига алоқадор саволлар жавобидан иборат. Нима мавжуд? Олам. Олам қаерда мавжуд? “Шу ерда” ва “ҳамма жойда”. Олам қанча вақт мавжуд бўлади? “ Ҳозир” ва “ҳами-ша”. Олам абадийдир, у бўлган, бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Уни ташкил этган нарсалар эса ўткинчидир. Борлиқ муаммосининг мазмунини ҳам аба-дий олам билан уни ташкил этган ўткинчи нарсаларнинг диалектик бирлиги ва алоқадорлигини тадқиқ этишдан иборат.

Ушбу хулосадан кўриниб турибдики, борлиқ муаммоси ўз мантиғига эга. Бу мантиққа асосан фикр юритган файласуфлар борлиқ мавжудлигининг зиддиятли томонига, яъни оламнинг абадий бўлгани ҳолда ундаги нарса ва ҳолатларнинг ўткинчилигига эътибор берадилар. Олам борлиғи нарсалар борлиғи билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, улар орасида маълум алоқадор-лик мавжуд. Бошқача айтадиган бўлсак, олам мавжудлик орқали яхлит бир бутунликни ташкил этади. Борлиқ муаммосининг иккинчи аспекти ҳам шу мулоҳазадан келиб чиқади. Бу аспект оламнинг бирлиги масаласи билан боғлиқ.

Олам - инсон онгига боғлиқ бўлмаган абадий яхлитликдир. Кишилар ўз фаолиятларида абадийликни ўткинчилик билан боғлайдилар, ушбу қарама-қаршиликлар бирлигини англаб етишга интиладилар. Дарвоқе, одам боласи ҳамиша турли нарсаларни яхлит бир бутунликка, синфларга бирлаштиришга интилиб келган. Ўз ҳаёти давомида инсон табиат, жамият, бошқа кишилар билан бирлигини, ҳамнафаслигини тушуниб етишга интилади. Айни пайтда у моддийлик ва маънавийлик, табиат ва жамият, ўзи ва ўзгалар ўртасида маъ-лум тафовутдан ҳам яхлитлик, бирлик излайди.

Худди ана шу сабабларга кўра инсоният амалиётидаги қарама-қарши-ликлар, турли-туманликлар бирлиги муаммоси бир кунмас-бир кун юзага келиши табиий ҳол эди. Фалсафада ушбу масала “умумийлик муаммоси” но-мини олди. Мазкур муаммони таҳлил этган файласуфлар қуйидаги хулосага келдилар: табиат, жамият, инсон ва идеал неъматлар мавжудлик орқали яхлитдир.

Шундай қилиб, борлиқ муаммосининг иккинчи аспекти қуйидагича ифодаланади: табиат, жамият, инсон, фикрлар, ғоялар мавжуддир; улар турли шаклларда мавжуд бўлсаларда, ўз мавжудликлари орқали абадий, яхлит оламни ташкил этадилар.

Борлиқ ҳақида мулоҳаза юритиб, ушбу иккинчи хулосани чиқарар эканмиз, яна бир фикрни тан олмай иложимиз йўқ: табиат яхлит универсам сифатида бўлган, бор ва ҳали узоқ муддат мавжуд бўлади. Демак, олам ва уни ташкил этган нарсалар инсон онгига нисбатан объектив реалликдир.

Объектив реаллик куйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) инсоният томонидан ўзлаштирилмаган нарсалар ва табиат жараёнла-ри;
- 2) инсоният томонидан табиат материалларидан яратилган нарсалар;
- 3) ижтимоий ҳаёт.

Объектив реаллик ўз мантиғига эга, буни эътибордан четда қолдирмас-лик даркор. Айниқса, реалликни тубдан ўзгартиришга қўл урганимизда ушбу тезисга алоҳида аҳамият беришимиз керак. Бироқ, афсуски, тарихда объектив реалликнинг ички мантиғига, қонуниятларига аҳамият бермасдан, унга во-люнтаристик муносабатда бўлган, воқеликни шу позициядан ўзлаштиришга интилган кишилар бисёр учрайди. Объектив реаллик эса у билан ҳисоблаш-маганлардан шафқатсиз ўч олади.

Объектив реалликдан фаркли ўлароқ, ўзга бир реаллик ҳам мавжудки, у ғоя ва идеалларда, фикр ва мулоҳазаларда ўзига хос субъектив реаллик сифа-тида намоён бўлади. Объектив реаллик билан ҳисоблашиш зарурлиги каби субъектив реалликни ҳам назардан нари тутиш беъманиликдир. Ғоя ҳам қуд-рат – унинг билан ҳисоблашмаслик аксарият ҳолларда мисли қўрилмаган фалокатларга сабаб бўлади.

Алқисса, борлиқ муаммосининг учинчи аспекти куйидагича талқин этилади: олам ва ундаги нарсаларнинг барчаси ўз ички мантиғига эга бўлган, инсон онгига нисбатан реаллик ҳисобланадиган воқеликдир. Борлиқ муаммо-сининг уч аспекти “борлиқ” категориясининг мазмунини тўлиқ очиб бериш имконини беради.

б) “борлиқ” категорияси

Фалсафа борлиқ муаммосини таҳлил этар экан, инсоннинг амалий, гно-сеологик ва маънавий–ахлоқий фаолиятига таянади. Ушбу муаммо “борлиқ” категорияси, шунингдек унинг билан алоқадор бўлган “йўқлик”, “мавжуд-лик”, “материя”, “руҳ”, “ҳаракат”, “макон”, “замон” каби тушунчалар ёрда-мида англанади.

Биз келтирган тушунчалар кундалик турмушимизда тил ёрдамида ифо-даланади. Бироқ фалсафа категорияларининг уларни ифодаловчи сўзлар би-лан алоқадорлиги ўзига хос хусусиятга эга. Бир томондан, кўп асрлик амали-ёт тегишли сўзларнинг мазмунини бойитиб боради, натижада мазкур сўзлар фалсафий категорияларнинг моҳиятини ёритишда қўл келади. Иккинчи то-мондан эса, шуни ҳам унутмаслик лозимки, одатий сўзлар ёрдамида ифо-даланган фалсафий тушунчалар ўзига хос мазмунга эга, ҳар қандай катего-риянинг (хусусан, “борлиқ” тушунчасининг) мазмуни ҳақида мулоҳаза юри-тарканмиз, юқорида изоҳланган хусусиятларни эътиборда тутишимиз даркор.

Фалсафий категориялар тўғрисида фикр юритган ва уларни бир системага жамлашга интилган буюк файласуфлар ҳар бир тушунчани шартли равишдагина жорий

қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Фалсафада ҳар қан-дай категория алоҳида мазмун кас этади, шу боис бир тушунча мазмуни ик-кинчисининг мазмунига мос тушмайди. Албатта, бундан бирор бир катего-риянинг мазмунини очиб бериш учун бошқачасидан фойдаланмаслик керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, категорияларнинг диалектик табиати бир тушунчанинг мазмунини иккинчиси орқали очиб беришни шарт қилиб қўяди.

Ушбу мулоҳазаларда асосланадиган бўлсак, “борлиқ” категориясини жорий этишда билдириладиган икки эътирознинг ўринсиз эканлигига амин бўламиз. Биринчи эътироз: “борлиқ” категорияси нарсаларнинг аниқ белги-лари ҳақида маълумот бермайди, шу боисдан ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу эътироз асоссиздир, чунки ҳар қандай фалсафий категория оламнинг умумий алоқадорлигини ифодаламоғи лозим, бунда нарсаларнинг аниқ белгилари эътибордан четда қолдирилади. Иккинчи эътироз: борлиқ иб-тидода “мавжудлик” категорияси орқали англанар экан, ундан фойдаланмаса ҳам бўлади. Бироқ, “борлиқ” категорияси нарсаларнинг мавжудлигини ифо-далаш билан чекланмасдан, кенгрок мазмунга ҳам эга.

Фалсафа борлиқ муаммосини таҳлил қилар этаркан, оламнинг шаксиз мавжудлигига асосланади. Лекин фалсафа нафақат нарсаларнинг мавжудли-гини назарда тутати, балки улар орасида умумий алоқадорлик борлигини ҳам очиб беради: нарсалар ва уларнинг хоссалари мавжуддир ва мавжудлиги орқали бошқа нарсалар билан бирга яхлит оламни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, “борлиқ” категорияси ниҳоятда бой мазмунга эга. Худди шунинг учун ҳам уни англаб етишда қатор қийинчиликлар, янгли-шишлар юзага келади. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтсак.

Қийинчиликлар асосан қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ. Одатий ҳаётда биз нарсаларни аниқ хоссаларига қараб биламиз. Борлиқ ҳақида мулоҳаза юритиш учун эса предметларнинг аниқ ва ҳатто энг умумий хоссаларини ҳам эътибордан четда қолдирмоғимиз зарур. Бир қараганда, бундай чекиниш ам-ри маҳолдек туюлади. Бироқ чуқурроқ фикр юритсак, борлиқ ҳақидаги муло-ҳазаларимиз аниқ предмет тўғрисидаги фикрларимиздан тубдан фарқ қили-шига амин бўламиз. Ахир, борлиқни яхши ёки ёмон, катта ёки кичик, деб характерлаб бўлмайди – бундай хусусиятлар нарсаларгагина хосдир.

“Борлиқ” категорияси бизни мулоҳаза юритишнинг мутлақо янги дара-жасига чиқишга ундайди. Бунда биз аниқ нарсалар ва жараёнлардангина эмас, табиат ва инсон, моддийлик ва маънавийлик, индивид ва жамият ўрта-сидаги тафовутдан ҳам чекинамиз. Биз улар орасидаги умумий алоқадор-ликни топишга интиламиз. “Борлиқ” категорияси худди ана шу умумийликни англаб етишда қўл келади.

“Борлик” категориясини унинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўллашга ўрганиш – фикрни хатолардан суғурта қилиш демакдир. Масалан, фалсафа нуқтаи-назаридан борликни нарсалар ва фикрлар мавжудлиги, деб талқин этиш янглишишдан ўзга нарса эмас. Уни “турли соҳаларнинг соҳаси” деб таърифлаш ҳам тўғри эмас. Бунинг акси ўлароқ, борликни “соф ғоя” деб ифодалаш ҳам хатодир. Фалсафий тафаккур тарихида бундай янглишишлар кўп учрайди.

Масалан, Европа тафаккурида “борлик” категориясини илк бор қўл-лаган файласуф Парменид бўлди. Бироқ фалсафий тафаккур тарихининг илк босқичида борликни предмет, нарса ёки бирор бир тимсолга ўхшатиб таъ-рифлашга одатланишганди. Парменид борликни катта пуфаксимон “ғилофга” ўхшатади. Унинг фикрича, оламдаги барча нарсалар ва ҳодисалар ана шу “ғилоф” ичидан жой олган. Лекин, Парменид ушбу пуфакни фақат ақл кўзи билан илғаб олиш мумкин, деб уқтиради. Борликни атомлар билан тенглаш-тирган Демокрит ҳам худди шу мантикқа амал қилади.

Оламни бундай жўн тушуниш моҳиятан эскирган бўлсада, йўқолгани йўқ. Кўпгина файласуфлар “борлик” категорияси ёрдамида ифодаланадиган умумий алоқадорликни “ўзига хос нарса” сифатида талқин қиладилар. Бу ҳа-тони борликни натураллаштириш, деб аташ мумкин. Бунинг акси ўлароқ, борликни идеаллаштириш хатоси ҳам мавжуд. Чунончи, Платон оламдаги умумий алоқадорликни унинг ўзидан ажратиб олади ва шунинг билан бор-ликни ғояга айлантиради. Бу ғоя, мутафаккирнинг фикрича, “осмон кўксида” мустақил ҳаёт кечирар эмиш.

Хуллас, борлик ҳақидаги мулоҳазалар ўзининг ниҳоятда мавҳумлиги билан ажралиб туради. Буни кўпинча борлик тўғрисидаги фикрларнинг кам-чилиги, деб таърифлайдилар. Албатта, борликни фалсафий талқин қилиш ҳаётдан ажралиб қолган схоластикага айланиб кетса, бундай камчиликни бар-тараф этиш керак. Лекин умумлаштиришнинг энг юксак даражасида бажа-рилган фалсафий таҳлилда схоластикадан асар ҳам йўқ. Бундай фалсафий мушоҳадасиз борлик ҳақидаги таълимотни шакллантириб бўлмайди. Ана шундай фалсафий мушоҳадаларгини инсон ақл-заковатининг мўъжизавий қудратини - воқеликдаги энг умумий алоқадорликни аниқлаш ва ўрганиш қо-билиятини намоён этади. Бундай қобилиятга эса нафақат файласуфлар ва фалсафа назарияси билан шуғулланаётган мутахассислар, балки оддий киши-лар ҳам эга бўлишлари шарт.

* * *

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, борликни фалсафий тушуниш учун борлик муаммосининг қуйидаги уч аспектни яхши англаб олишимиз даркор: а) борлик абадий, у ҳамиша мавжуд, уни ташкил этган нарсалар эса ўткинчи-дир; б) табиат, жамият, инсон,

фикр ва ғоялар мавжуддирлар, улар ўз мав-жудликлари орқали яхлит оламни ташкил этадилар; в) олам ва унда мавжуд нарсалар объектив реалликдир. Борлиқ муаммосини таҳлил этиш орқали “борлиқ” категориясининг мазмунини тушуниб етамиз. Борлиқ - оламнинг интеграл характеристикасини ифодаловчи категория бўлиб, нарса ва жараёнларнинг мавжуд бўлгани туфайли яхлит эканлигини, улар орасида умумий алоқадорлик борлигини кўрсатади.

§2. Борлиқ даражалари ва асосий шакллари

Нарса ва ҳодисалар имконият ва воқелик сифатида мавжуддирлар. Дар-воқе, шуни ҳам эътиборда тутишимиз лозимки, имконият асло йўқлик дегани эмас, у - потенциал борлиқдир. Воқеликни эса актуал борлиқ сифатида қабул қилиш мумкин. Потенциал ва актуал борлиқ фалсафада борлиқ даражалари деб юритилади.

Мавжудлик усулига қараб борлиқни моддий олам ва руҳ оламига бў-лиш мумкин. Ушбу усулларнинг турли тарздаги бирлашуви, комбинацияси борлиқнинг асосий шакллари ташкил этади. Ҳозирги замон фалсафаси-нинг маълумотларига қараганда, борлиқнинг асосий шакллари қуйидагилар-дан иборат:

1. Табиат борлиғи; борлиқнинг ушбу шакли табиатдаги нарсалар, ҳоди-салар ва жараёнлар борлиғи ҳамда инсон қўли билан яратилган нарсалар ва жараёнлар борлиғини ўз ичига олади.

2. Жамият борлиғи; борлиқнинг ушбу шакли индивидуал ва ижтимоий борлиққа бўлинади.

3. Инсон борлиғи; борлиқнинг ушбу шакли инсоннинг нарса сифатида-ги борлиғи ва инсоннинг ўзига хос борлиғидан иборат.

4. Маънавий борлиқ; борлиқнинг ушбу шакли индивидуаллаштирилган маънавий борлиқ ва объективлашган маънавий борлиққа бўлинади.

Борлиқнинг ҳар бир шакллари иккига бўлишимиздан сабаб шуки, биринчидан, биз таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу шакллар материя ва руҳнинг, моддийлик ва маънавийликнинг турли тарздаги комбинацияси натижасида вужудга келади. Иккинчидан эса, материянинг ҳам, руҳнинг ҳам ўзига хос томонлари мавжуддирки, бу борлиқ шакллари таъсир кўрсатади.

Бундай ёндашув инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятларини англаб олиш имконини беради. Инсон айни пайтда икки олам маҳсулидир: у ўз тана-си билан олам маҳсули бўлса, руҳияти билан маънавий оламга тааллуқлидир. Унга онг бахшида этилгани туфайли нафақат мавжуд бўла олади, балки ўз мавжудлиги, олам борлиғи хусусида фикр

юритади. Шу нуқтаи назардан ин-сон борлиғи объективлик ва субъективлик, материя ва рух бирлигидан иборатдир.

Инсон қўли билан яратилган нарсалар борлиғи ҳам ўзига хос хусусият-лари билан ажралиб туради. Моддий маданият олами объектив реалликдир, лекин айти пайтда инсон фаолиятининг ҳар қандай маҳсули онг билан суғо-рилган – худди шу сабабга кўра “иккинчи табиат” (яъни инсон қўли билан яратилган нарсалар) борлиғи табиат борлигидан фарқ қилади.

Инсон маънавий олами ҳам икки хилда мавжуд: уни объектив ва субъектив руҳга бўлиш мумкин. Субъектив рух – инсоннинг ички олами бўлиб, унинг тури мавжудлик усуллари (масалан, онгсизлик, ўз-ўзини англаш ва ҳоказо) бор. Бу олам фақат индивидга тааллуқлидир.

Шу билан бир қаторда индивидларнинг социумга биргаликдаги фаолияти объективлашган, ўзгача айтадиган бўлсак, субъектлараро маънавий-ликни вужудга келтиради. Ушбу субъектлараро маънавийлик нафақат алоҳида индивидларнинг маънавий мулки ҳисобланади, балки бутун жамият-нинг маънавий соҳасига тааллуқли атрибут саналади. Чунончи, тил – объективлашган маънавийлик маҳсулидир. Индивидуал онг фаолиятининг натижа-лари, унинг руҳияти айнан ана шу тилда ўзифодасини топади. Аммо тил индивиднинг руҳий оламига мансуб бўлмаган объективлашган маънавийликка айланар экан, субъектив руҳга бўйсунмай кўяди. Илмий билимларнинг табиати ҳам шунга ўхшаш, ҳар қандай буюк назария олим субъектив руҳининг маҳсулидир, бироқ назария ифодаланиб ва эълон қилиб бўлингач, илмий жамоатчилик мулкига айланади.

Ижтимоий онгнинг барча шакллари объектив рух ифодасидир. Ал-батта, ўзининг қарор топиши, шаклланиши ва ривожланиши жараёнида объектив ва субъектив рух ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд бўлади.

Борлиқнинг ҳар қандай шаклини таҳлил этаётганда у материя ва рух-нинг, моддийлик ва маънавийликнинг турли тарздаги комбинацияси эканлиги хотирамиздан кўтарилмаслиги даркор. Мазкур методологик позициядан борлиқнинг асосий шакллари хусусиятларини кўриб чиқсак.

а) табиат борлиғи

Инсон онгидан ташқари ва ундан қатъий назар мавжуд бўлган нарсалар, жараёнлар ва ҳодисалар кишилар фаолиятининг илк асосини ташкил этган. Узоқ йиллар ўтганидан кейингина одам боласи Ер табиатига таъсир ўтказиш ва унинг қиёфасини ўзгартиришни ўзлаштириб олди. Шу куйи аввалдан табиатда мавжуд бўлмаган,

кейинчалик инсон қўли билан яратилган нарсалар олами вужудга келди. Инсон онгидан қатъий назар мавжуд бўлган нарсалар ва ҳодисалар, инсон қўли билан яратилган нарсалар биргаликда та-биат борлигини ташкил қиладилар.

Аввало “биринчи табиатнинг” ўзига хос хусусиятларини изоҳласак. Бир қарашда, бунда мулоҳаза юритишга ярайдиган фактнинг ўзи йўқдек тую-лади: нарсалар, жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар инсон онгидан ташқарида ва унлан қатъий назар мавжуд. Бироқ табиатнинг мавжудлиги муаммолари ху-сусида фикр юритар эканмиз, қуйидаги ўзига хос парадоксни четлаб ўта ол-маймиз: ахир табиатнинг мавжудлиги, унинг нарсалари ва ҳодисалари ҳақида инсон мулоҳаза юритади. Бошқача айтадиган бўлсак, инсон ўз онгига асос-ланиб, табиатнинг мавжудлигини қайд қилади.

Мазкур парадоксни соғлом фалсафий мушоҳадага таяниб ҳал этиш мумкин. Албатта, табиатнинг мавжудлиги инсон онги билан аниқланади. Би-роқ бизнинг фикрларимиз умуминсоний ижтимоий-тарихий тажрибага асос-ланган: мулоҳаза юритиш учун фактларни объектив реалликдан оламиз. Де-мак, табиат, унинг нарсалари, ҳодисалари, жараёнлари ва ҳолатлар инсон онгига боғлиқ бўлмаган равишда мавжуддир.

“Биринчи табиатнинг” ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг яхлит табиат борлиги билан алоқадорлиги тўғрисида ҳам тўх-талиб ўтмоғимиз даркор. Бунда борлиқ муаммосининг биринчи аспекти асос сифатида олишимиз керак. Табиат абадий ва чексиздир, лекин уни таш-кил этган нарсалар ва ҳодисалар ўткинчи. Табиат ва “биринчи табиат” ўрта-сидаги диалектик алоқадорлик ҳам ана шундан иборат.

Инсон онгидан қатъий назар мавжуд бўлган нарсалар борлиги ўзига хос реалликдир. Одам боласи ва унинг руҳи табиат таракқиётининг маълум босқичида вужудга келган. Ҳатто одам боласи вужудга келганидан ва таби-атга таъсир кўрсата бошлаганидан кейин ҳам унинг ниҳоятда катта қисми инсон таъсир доирасидан четда қолмоқда. Табиат учун мавжуд бўлиш – инсон томонидан англаниш дегани эмас. Лекин инсон табиатсиз мавжуд бўла олмайди. Табиат мавжуд бўлмас экан, инсон қўли билан яратилган нарсалар ҳам бўлмайди. “Иккинчи табиат” “биринчи табиат” маҳсулидир.

Шу билан бир қаторда “иккинчи табиат” ўзигагина хос бўлган хусуси-ятларга ҳам эга. Унда инсон хоҳиш-иродасига бўйсунмайдиган қонунларга асосан ривожланадиган объектив реаллик нарсалари ҳам жаъм бўлади. Лекин “биринчи табиат” нарсаларидан фаркли ўларок, “иккинчи табиатни” ташкил қилувчи предметлар инсон меҳнати ва билимлари билан суғорилгандир. Ге-гель таъбири билан айтганда, уларни инсон меҳнати ва билимлари “предмет-лаштиради”. Ушбу предметлар “ижтимоий руҳга ҳам эгалар: улар инсон ҳаё-тида маълум функцияларни бажарадилар, маълум эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган бўладилар.

Кўриниб турибдики, “иккинчи табиат” предметлари табиий материал, “нарсалаштирилган маънавийлик” ва индивид фаолиятининг якунлари йи-ғиндисидан иборатдир. Бунда табиий материал устувор аҳамиятга эга. Чунки инсон ўз фаолиятида табиий материалга асосланиши, унинг объектив хусуси-ятларини инобатга олиши шарт. Масалан, инсон металлни истаганича ўзгар-тириши, ундан истаган предметни ясаши мумкин, лекин бу ўзгаришларнинг барчаси металлнинг объектив хусусиятлари доирасида бўлади. Шу сабабдан “иккинчи табиат” борлиғида табиий материал бирламчи аҳамият касб этади.

б) жамият борлиғи

Ҳозирги замон файласуфларининг аксарият қисми жамиятни кишилар ва ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида тасаввур қиладилар. Худди шу боисдан ҳам жамият борлиғи икки томонга эга: у ҳам ижтимоий борлиқ-ни, ҳам индивиднинг жамиятдаги борлиғини ўз ичига олади.

Индивид борлиғи ижтимоий борлиққа, ижтимоий борлиқ индивид бор-лиғига таъсир кўрсатиб туради. Атрофимиздаги қайси нарсага назар ташла-майлик, инсон қўли билан яратилган. Инсоннинг қайси фазилати хусусида гапирмайлик, унинг жамият таъсири остида шаклланганлигини кўрсатиб ўт-май иложимиз йўқ.. Зеро, ижтимоий борлиқ ва индивид борлиғи ўзаро диа-лектик алоқадордир.

Ҳатто фақат табиатнинг инъоми ҳисобланган инсон жисми ҳам ижти-мой тараққиёт таъсиридан холи эмас. Масалан, қадимги дунё фарзандининг танаси замондошимиз жимсидан фарқланади. Инсон жисмига қараб озми-кўпми унинг ижтимоий иерархиядаги ўрнини аниқласа бўлади. Хусусан, зиё-ли кишининг жисми деҳқон ёки ишчи жисмидан тафовут қилади. Шу нуқтаи назардан, табиат маҳсули бўлса-да, жамият таъсиридан холи, “соф табиий жисмнинг” ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Жамият инсон жисмига озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа “воситачилар” орқали мунтазам таъсир кўрсатиб боради. Худди шу сабабли Европа цивилизацияси таъсирида шакл-ланган киши стол ва стулда танааввул қилишни маъқул кўрса, Шарқ халқ-лари вакиллари ерда овқатланишни жоиз топадилар.

Кийим, кийиниш ҳам “ижтимоий қоидаларга” бўйсунуш шаклларида биридир. Аслини олиб қараганда, кийим - инсон танасининг давомидир. Кўп-гина жамиятларда ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг, қатламнинг ҳатто касб ва-киллариининг фақат ўзларига хос либослари бўлган. Шу боисдан кишининг қайси гуруҳга, касбга мансублигини унинг кийинишига қараб аниқласа бў-лади.

Қизиғи шундаки, имо-ишоралар ҳам жамият қиёфасига, тараққиётга мос равишда шаклланиб боради. Масалан, ўзбек кишиси бош ирғаб, ўзининг ризолигини, бирор фикрни маъқуллашини (“ҳа”) билдирса, болгарларда ай-нан ана шу ишора инкор маъносини (“йўқ”) англатади. Бу фактларнинг бар-часи ижтимоий борлиқнинг индивид борлиғига нақадар катта таъсир кўrsa-тишидан далолат беради.

Бироқ жамият инсонда намоён бўлгани каби инсоннинг хошиш-иродаси ҳам жамиятда намоён бўлади, унда ўз изини қолдиради. Инсонлар ўртасида-ги муносабатларда восита ролини ўтайдиган ҳар қандай нарса энг аввало ин-сон хошиш-иродасининг маҳсулидир. Бу воситаларнинг барчасини (масалан, пул, тил, бошқа абстракциялар) инсон ўз ҳаётини енгиллаштириш, жамиятни ўз эҳтиёжларига мос равишда ўзгартириш мақсадида вужудга келтирган. Де-мак, ижтимоий борлиқ индивид борлиғига қандай қудратли таъсир ўтказса, индивид борлиғи ҳам ижтимоий борлиққа шундай акс таъсир кўрсатиб тура-ди. Жамият борлигининг икки томони ўртасидаги диалектик алоқадорлик ҳам ана шундан иборат.

в) инсон борлиғи

Борлиқнинг ушбу шаклида ҳам табиат, ҳам инсон мавжудлигининг ўзига хос хусусиятлари мужассамлашган. Шу нуқтаи назардан табиатнинг бошқа нарсалари қаторида инсон ҳам нарсадир. Бунда, албатта, онтология нуқтаи назаридан хулоса қилмоқдамиз, чунки борлиқ ҳақидаги фалсафий таълимотни яратиш учун энг аввало инсоннинг қандай, қай тарзда мавжуд-лигини аниқлаш лозим. Инсон конкрет индивид сифатида мавжуд экан, унинг мавжудлигининг асосини жисм ташкил этади.

Инсон жисми табиат нарсасидир. Жисмнинг борлиғи инсон умрининг чекланганлигини намоён қилади. Умрни тиббиёт ёки ўзга воситалар ёрда-мида узайтириш мумкин, аммо бунинг билан табиат қонунларини ўзгарти-риб, яъни жисмга абадийлик бахш этиб бўлмайди. Боз устига, инсон жисми табиатнинг бошқа нарсалари каби бордан йўқ бўлмайди.

Инсоннинг нарса сифатида мавжудлиги тўғрисидаги мулоҳазалардан бир неча хулосалар чиқариш мумкин. Унинг ўлимга маҳкум жисми табиат оламида жой олган. Демак, у бошқа нарсалар каби маълум шарт-шароит-ларга муҳтож. Масалан, жисмни озиқлантириш, совуқ, иссиқдан сақлаш, ўзга эҳтиёжларини қондириш зарур. Бу эҳтиёжларни қондиришни сусайтириш мумкин, лекин умуман қондирмасликнинг иложи йўқ, акс ҳолда жисм ўлади. Хулоса шуки, инсон борлиғида унинг жисми бирламчи аҳамиятга эга. Зеро, турли муаммолар хусусида фикр юритиш, бахтли бўлиш, ҳис этишдан аввал мавжуд бўлмоқ лозим.

Фалсафа азал—азалдан инсон жисми ва жони, яъни унинг эхтирослари, кечинмалари, рухий ҳолатлари, фикрлари, характери, иродаси, муомаласи ўр-тасидаги алоқадорликка катта эътибор берган. Инсон борлиғи - жисм ва жоннинг диалектик бирлигидир. Жисм фаолияти мия ва асаб системаси фао-лиятига боғлиқ, жон фаолияти эса инсон жисмининг соғлигига бориб тақала-ди. “Соғ танда соғлом ақл”, -деб бежиз айтмайди халқимиз. Лекин халқ ма-қоллари ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Масалан, заиф жисмнинг ҳаётини метиндек ирода, умид ёрдамида узайтириш мумкин.

Замонамиз файласуфлари учун донишмандлик тимсоли бўлган Имма-ниул Кант ҳаёти бунга яққол мисол бўла олади. Касалманд бўлиб туғилган мутафаккир ўз жисмининг хусусиятларини чуқур англаб етгани, бутун умри давомида қатъий режимга риоя қилгани, метиндек иродаси ва психикасини ўзига бўйсундира олгани туфайли саксон йил умр кўрди. Унинг ўз меҳнатини севгани, ўзи улуғлаган ахлоқий нормаларга ҳамиша содиқ бўлгани ҳам ҳаётга ижобий таъсир ўтказди.

Инсон табиат маҳсули бўлибгина қолмай, ўз ҳатти-ҳаракатларининг ҳам маҳсулидир. Фикрлар ва ҳис-туйғулар – инсон борлиғининг муҳим то-монларидир. Шу боис фалсафада инсонни “фикрлайдиган нарса” деб ҳам атайдилар. Бу тушунчани илк бор қўллаган файласуфлардан бири Рене Де-картдир. Файласуф фикрлаш учун мавжуд бўлиш зарурлигини инкор қил-майди. Шу билан бирга у: “ўйлаяпманми, мавжудман”, -деган мулоҳазани илгари суради ва бунинг билан инсон тўғрисида фикрларнинг бошқа томо-нига эътиборни қаратади. Унинг фикрича, инсон борлиғининг ўзига хос хусу-сиятларини тўлиқ англаб етиш учун “Нима муҳимроқ: инсоннинг нарса си-фатида мавжудлигими ёки тафаккурга эга бўлгани туфайли ўз мавжудлиги ҳақида фикрлаш имконига эгаллигими?”-деган саволга жавоб бериш зарур.

Инсон борлиғининг ўзига хос хусусияти фақат жисм ва жон бирлиги билан боғлиқ эмас. Одам боласининг нарса сифатида мавжудлиги кишиларни ишлаб чиқариш ва ўзаро муомалага ундаган илк асослардан биридир. Бундан кўриниб турибдики, инсон борлиғи ва жамият борлиғи ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд.

Инсон табиий жисм тарзида мавжуд бўлса-да ўткинчи нарсаларнинг мавжудлик ва ривожланиш қонунларига бўйсунди. Аммо бу қонунлар унга ўзгача таъсир кўрсатади. Чунки инсон борлиғининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда борлиқнинг бошқа шаклларида такрорланмайдиган “сабаб-оқибат” муносабатлари вужудга келади. Масалан, бошқа тирик мавжудот-лардан фарқли ўлароқ, инсон ўзининг асосий эҳтиёжларини ҳамиша назорат остида сақлайди, уларни бошқаради ва қондиришнинг нафақат табиат билан боғлиқ, балки жамият белгилаб берадиган усулларини ҳам излаб топади.

Инсон табиатдан ташқарида мавжуд бўлмайди, лекин бу мавжудлик фақат табиий-жисмоний характергагина эга эмас. Унда борлиқнинг уч турли ўлчови жамдир.

Реал ҳолда алоҳида инсон, ёки фикрловчи, ҳис этувчи нарсасига (жисм) мавжуд. Бу инсон мавжудлигининг биринчи ўлчови. Бироқ, шу билан бир қаторда, инсон Homo sapiens турига мансуб индивидуал зот ҳамдир. Бу - инсон борлигининг иккинчи ўлчови. Ниҳоят, инсон - ижтимоий-тарихий мав-жудот (учинчи ўлчов) ҳисобланади.

Инсон борлиғида ақл-заковатнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Буни ис-ботлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ бўлса керак. Шу сабабдан маънавий борлиқ хусусиятларини ҳам яхши тушунишимиз, унинг асосий компонентларини чуқур англашимиз шарт.

г) маънавий борлиқ

Маънавий хилма-хиллик, онг ва онгсизлик бирлигидан иборат бўлиб, табиий ва сунъий тилларда ифодаланадиган билимлар, шунингдек муомала нормалари ва принциплари, ахлоқ мезонлари, ҳуқуқ, ижодиёт нормалари ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Маънавий борлиқ икки хилда мавжуддир: унинг бир томонини индивид ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маънавийлик, иккин-чи томонини индивид онгига боғлиқ бўлмаган объективлашган маънавийлик ташкил этади.

Индивидуал маънавийлик индивид онгини ўз ичига олади. Энг аввало, онг қай тарзда мавжуд бўлади, унинг мавжудлигини қандай қилиб аниқлаш мумкин, деган саволга жавоб изласак. Жавоб ниҳоятда жўн: онгнинг мавжуд-лигини фақат онг ёрдамида билиш мумкин. Онг ёрдамида биз оламни била-миз, ўз ҳатти-ҳаракатларимизни баҳолаймиз. Бинобарин, онг ўзгарувчан та-саввурлар, ҳислар, кечинмалар ва фикрлар, шунингдек барқарор ғоялар, эътиқодлар, қадриятлар, қоидалар тарзида яшайди. У ўзининг ички таркибига ва тартибига эга.

Онг мавжудлигининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда кеча-диган жараёнлар ниҳоятда ҳаракатланувчан бўлади. Мазкур ҳаракатланув-чанликни индивиднинг ўз онгида юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги ҳи-қояси, “ҳисоботи” ёрдамида илғаб олса бўлади.

Индивид маънавиятининг иккинчи ўзига хос хусусияти унинг инсон жисми билан бевосита боғлиқлигидир. Онг жисм билан дунёга келиб, унинг билан бирга ўлади. Бироқ бундан онг фаолиятининг барча натижалари жисм билан бирга ўлади, деган хулосага келиб бўлмайди. Унинг айрим маҳсулла-ри, натижалари объектлашган маънавийлик сифатида яшаб қолади.

Онг элементлари макон ва замон ўлчовларидан холи бўлади. Фикр-нинг, ўйнинг бўйи, эни, вазни бўлмайди, у вақт ҳукмига ҳам бўйсунмайди. Шу боис бир дақиқа ёруғлик тезлигидан-да тезроқ ҳарактланиши, ўтмишга ва келажакка назар солиши мумкин.

Индивидуал маънавийлик онг элементлари билан бир қаторда онгсиз-лик элементларини ҳам ўз ичига олади. Онгсизлик инсон руҳий фаолияти-нинг муҳим томони бўлиб, уч даражага эга. Унинг биринчиси инсоннинг ўз жисмини онгсиз назорат этиб боришни ўз ичига олса, иккинчиси инсон томо-нидан англаб етилмаган руҳий жараёнлар ва ҳолатлардан иборат. Онгсизлик-нинг учинчи даражаси интуицияда намоён бўлади.

Маънавийлик ўзининг моддий ташувчисидан холи равишда мавжуд бў-ла олмайди. Индивидуал маънавийлик онг ва онгсизликнинг такрорланмас жараёнларида зухур бўлади. Лекин маънавийликнинг шундай моддийлашиш шакллари ҳам мавжудки, улар индивид онгида вужудга келса-да, индивиду-алликка алоқадор бўлмаган борлик шаклларига тааллуқлидир. Масалан, ғил-дирак ғоясини олайлик. Унинг қадимги дунёда яшаган ва ижод қилган зот-лардан бири кашф қилган. Инсоният техникавий тафаккурининг энг муваф-фақиятли ғояларидан бири ҳисобланган ушбу кашфиёт ўзини оқлагани боис реал ғилдираклар тарзида моддийлашди, ғилдирак ҳақидаги билимлар ва тажрибаларга айланди ва “мустақил” ҳаёт кечира бошлади. Шу куйи ўлимга маҳкум кишилар ўлмас ғояни яратдилар. Бу ғоя онг ва фаолиятнинг индиви-дуал жараёнларидан озод бўлиб, объективлашган маънавийлик маҳсулига ай-ланди. Маънавий борлиқнинг иккинчи томони ҳам шундан иборат.

* * *

Борлиқнинг даражалари ва асосий шакллари хусусидаги муло-ҳазаларимизга хулоса ясар эканмиз, куйидагиларга эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз: борлиқнинг икки даражаси мавжуд: потенциал борлиқ ва ак-туал борлиқ. Мавжудлик усулига қараб уни моддий олам ва руҳий-маънавий оламга бўлиш мумкин. Ушбу усуллар комбинацияси натижасида борлиқнинг турли шакллари, хусусан табиат борлиғи, жамият борлиғи, инсон борлиғи ва маънавий борлиқ вужудга келади.

§ 3. Субстанция муаммоси

Биз таъкидлаб ўтганимиздек, “борлиқ” категорияси турли нарса ва предметлар, ходиса ва воқеалар, жараён ва ҳолатларни мавжудлик белгисига қараб бир бутунликка жамлайди. Барчи мавжуд нарса ва жараёнлар бизни ўраб турган оламни ташкил этадилар.

Борлиқнинг асосий шаклларини (табиат, жамият, инсон, маънавият) таҳлил этар эканмиз, нарса ва предметлар, ходиса ва воқеалар турли-туман бўлса-да, барчаси учун пойдевор вазифасини ўтайдиган асосга эга бўлиши керак, деган хулосага келамиз. Шу

муносабат билан хилма-хил, абадий оламнинг яхлитлиги, бирлиги ҳақидаги муаммо юзага келади.

Борлиқнинг бирлиги ғояси субстанция ҳақидаги тасаввурларга элтади. Фалсафада буни субстанция муаммоси дейилади. Субстанция - лотин тилида “асос” маъносини англатиб, фалсафада турли-туман, хилма-хил бўлган олам-нинг яхлитлигини ифодалаш учун қўлланилади.

Субстанция муаммоси барча файласуфларнинг эътиборини тортган ма-салалардан биридир. Фалсафий тафаккур тарихида бу хусусида кўплаб аҳа-миятли фикрлар тилга олинган. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқсак.

а) монизм

Қатор фалсафий таълимотларда оламнинг бир субстанцияга эгаллиги таъкидлаб ўтилади. Бироқ субстанция сифатида турли ибтидолар олинади. Масалан, Фалес, Гераклит, Спиноза каби файласуфлар оламнинг субстан-циясини материядан изласалар, Платон ва Гегель каби мутафаккирлар руҳни ўлмас субстанция сифатида талқин қиладилар. Шунга кўра, оламнинг яхлит-лигини моддийликка асосланиб тушунтирган фалсафий таълимотларни мате-риалистик монизмга йўйсак, субстанцияни руҳдан излаган фалсафий таъли-мотларни идеалистик монизм деб атаимиз.

б) дуализм

Монизмдан фарқли ўлароқ, оламни дуалистик талқин қилишга мойил бўлган файласуфлар ҳам материяни, ҳам руҳни асос вазифасини ўтовчи ибти-до деб эълон қиладилар. Масалан, дуализм тарафдорларидан бири Рене Де-карт моддий реалликни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи кудрат материя бўлса, руҳ - маънавийликнинг яхлитлигини таъминловчи феномендир, деб уқтиради.

в) плюрализм

Ушбу фалсафий позиция тарофдорлари бир-бирига алоқадор бўлмаган кўплаб ибтидолар борлигини кўрсатиб ўтадилар. Мазкур терминни 1712 йил-да немис файласуфи Х. Вольф киритган. Плюрализм чор унсур фалсафасидан келиб чиқади. Унда тупроқ, сув, ҳаво ва олов оламдаги барча нарсаларнинг ибтидоси деб уқдирилган эди. Йигирманчи асрга келиб, шахснинг такрорлан-маслигини исботлашга ҳаракат қилувчи персонализм, экзистенциализм та-рафдорлари плюрализмни воқеликни англашнинг ўзига хос концепциясига айлантирадилар.

* * *

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, олам нафақат бор, мавжуд, балки бир, яхлит ҳамдир. Уни жипслаштириб турган ибтидо субстанциядир. Борлиқнинг субстанциясини материя деб ҳисобловчи таълимотлар материалистик мо-низм, руҳ деб ҳисобловчи таълимотлар эса идеалистик монизм дейилади. Ду-ализм тарафдорлари оламнинг бирлигини таъминлаб турган ибтидо материя ва руҳдир, деб талқин қилсалар, плюрализм позициясида турган файласуфлар бундай ибтидонинг ниҳоятда кўплигини эътироф қиладилар.

§4. Моддийлик ва маънавийлик диалектикаси: материя ва руҳ.

Борлиқ ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, ундаги моддийлик ва маъна-вийлик диалектикасига алоҳида тўхталмай иложимиз йўқ. Чунки, биз юқори-да кўрсатиб ўтганимиздек, борлиқнинг турли шакллари, айнан ана шу мав-жудлик усулларига, уларнинг турли тарздаги комбинацияларига асосан ву-жудга келади. Моддий оламнинг ўзига хос хусусиятларини англаб етиш учун “материя” категориясига таянсак, маънавий олам силсилаларининг ечими “руҳ” тушунчасини англаб олишдан бошланади. Боз устига, материя ва руҳ ҳар қандай фалсафий таълимотнинг, ҳар қандай дунёқарашнинг икки кутби-ни ташкил қилади.

а) материя

“Материя” тушунчасининг моҳияти хусусидаги мулоҳазалар ҳар қан-дай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этади. Шунга қарамасдан уни таърифлашда яқдиллик мавжуд эмас. Фалсафий адабиётларда мазкур катего-рияга берилган юзлаб дефиницияларни (таърифларни) учратиш мумкин. Би-роқ бу борадаги фалсафий плюрализм қанчалик кескин бўлмасин, файласуф-лар материянинг энг муҳим параметрларини тан оладилар.

“Материя” тушунчасини қўллашга мутлақо қарши бўлган файласуфлар уни кўпинча ниҳоятда жўн таърифлайдилар. Уларнинг фикрича, материя - маънавийликка путур етказадиган, умуман маънавийликдан холи бўлган би-рикмадир. Материалистлар эса маънавийликни тан олмайдиган кишилар ҳи-собланади. Материализм тарафдорлари ушбу мулоҳазаларга жавобан: “Мате-рия аслида безарар тушунча, инсон бошига энг катта кулфатлар келтирган балойи қазо айнан ғоялардир”, -деб уқтирадилар (масалан, қаранг: Шестов Л. Странствование по душам. В кн.: “Философские дискуссии 20-х годов.- Моск-ва, 1990, с. 382). Бизнинг фикримизча, асримиз фалсафасининг вазифаси “ма-терия” ва

“руҳ” тушунчаларининг айби ёхуд афзалликларини аниқлашдан эмас, балки ҳар иккала тушунчанинг моҳиятини аниқроқ, муфассалроқ очиб беришдан иборатдир.

“Материя” тушунчаси ўз тарихий ривожда бир неча босқични босиб ўтган. Унинг биринчи босқичи материя ҳақидаги ҳиссий тимсолларнинг ву-жудга келиши билан боғлиқ. Зардуштийлик таълимотида, кейинчалик эса қа-димги Юнон таълимотларида (масалан, Фалес, Анаксимен, Гераклит мулоҳа-заларида), шунингдек Азизиддин Насафий фалсафасида оламнинг асоси би-рор бир табиий моддадан изланади. Бунда асос вазифасини сув, олов, ҳаво, тупроқ ёки бошқа бирор ибтидо ўтайди. Оламдаги ҳар қандай нарса шу мод-даларнинг модификацияси ҳисобланади. Худди шу мулоҳазалар кейинчалик сифатан янги шаклда намоён бўлади. Масалан, янги замонда Ер сайёраси оловсимон тумандан вужудга келган, деган гипотеза асосида “оламнинг асо-си оловдан иборат” тарзидаги мулоҳаза ётган бўлса не ажаб?

Иккинчи босқич материяни жисм ёхуд субстрат сифатида тасаввур этиш билан боғлиқ. Бу даврда материяни бирор бир жисм, атом, хоссалар, комплекси, бўлинмаслик хусусияти билан қиёслаш одат бўлди. Материяни бундай физикалистик, сциентик тушуниш айниқса XVIII аср француз матери-алистлари Ламетри, Гельвеций, Гольбах асарларида яққол намоён бўлди.

Учинчи босқич материя ҳақидаги фалсафий-гносологик тасаввурлар-нинг шаклланиши даври деб аталади. Материяни жисм ёки субстрат сифа-тида тушуниш инкирозга юз тутган бир шароитда шакллана бошлаган ушбу тасаввурлар XX аср бошида марксистик дунёқараш заминида ривожлана бошлади.

Нихоят, тўртинчи босқичда материя ҳақидаги аксиологик тасаввурлар юзага кела бошлади. Ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган ушбу тушу-ниш материяни кўпгина атрибутлар йиғиндиси, деб таърифлайди. Мазкур концепция Спинозанинг таълимотига асосланиб ривожлана бошлагани ту-файли уни неоспинозизм деб аташ ҳам мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, материя кўпгина атрибутлар йиғиндисидан иборатдир. Бироқ унинг бир неча асосий параметрлари борки, материя ҳақида мулоҳаза юритган барча файласуфлар масалага турлича ёндашганлари ҳолда уларни тан оладилар. Ана шу параметрлар ичида энг муҳими материянинг объектив реалликдан иборат эканлигидир. Шу сабабли ҳозирги замон файласуфлари “материя” категориясининг асосий дефиницияси сифатида қуйидаги таъриф-ни олиш лозимлигини уқтирадилар: “Материя - инсон онгидан қатъий назар мавжуд бўлган ва унинг томонидан акс эттириладиган объектив реалликдир”. Ушбу таърифнинг гнесеологик самарасини асослаб берувчи аргументлар кўплаб келтирилган. Бироқ таъриф хусусида чуқурроқ ўйлаб қарасак, унинг инсон дунёқараши нуктаи назаридан берилганига амин бўламиз. Алҳол, де-финицияга

дунёқараш ҳақидаги тасаввурлар позициясидан ёндашсак, материя тўғрисидаги фикрларимиз янада равшанлашади.

Ҳар қандай дунёқарашда инсоннинг оламдаги ўрнини аниқлаш масалалари бирламчи аҳамият касб этиши бизга маълум. Индивид учун олам икки қутбдан иборат: “Мен” ва “Мен –эмас”. Табиат, жамият ва кишилар ана шу “Мен-эмаснинг” асосини ташкил этади. Шу боисдан инсоннинг оламга муносабати ҳақидаги масалани бир қатор саволлар занжирига йўйиш мумкин: Яшашдан мақсад нима? Шахс абадийликка юз тутиши мумкинми? Оламда бахт борми? Оламнинг яхлит манзараси қандай? У абадийми ёки ўткинчиими? Чинлик нима? Эзгулик, адолат, жаҳолат деганда нимани тушунмоқ лозим? Ва ҳоказо. Саволларга берилган жавоблар яхлит бир системани ташкил этадики, ушбу система инсоннинг олам ҳақидаги қарашларини ифодалайди. Индивид дунёқарашининг ички дунёси билан ташқи олам ўртасидаги зиддиятлар заминида шаклланади, шу сабабдан у (дунёқараш) антиномик хусусиятга эга: ички дунёнинг ташқи оламга қарши қўйилиши уйғунлик сари етаклайди. Инсон мавжудлигининг дихотомияси (жисмнинг ўткинчилиги ва рухнинг абадийлиги) қанчалик абадий бўлса, шахс ва ташқи олам ўртасидаги ўзаро муносабатлар дихотомияси ҳам шунчалик ўзгармасдир.

Дунёқараш марказида инсон муаммоси туради. Унинг вазифаси инсоннинг ташқи олам билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи қадриятлар ҳақидаги умумий тушунчалар, ғоялар ва тасаввурларни шакллантиришдан иборат.

Шу нуқтаи назардан материяга берилган юқоридаги таъриф энг фалсафий таърифдир. Унда материя бирор хоссасига қараб эмас, дунёқарашнинг асосий масаласидан келиб чиққан ҳолда ифодаланган. Албатта, биз материяни унинг айрим хоссаларига таяниб таърифлашдан воз кечиш керак, демоқчи эмасмиз. Бироқ унга берилган дефинициянинг энг асосийси юқоридаги ифодада бўлмоғи шарт.

Келтирилган таърифда “онг” тушунчаси қўлланилади. Бироқ кўпгина фалсафий адабиётларда “материя” тушунчасига таъриф берилганида “онг” категориясининг моҳиятига, мазмунига кам эътибор берилади. Натижада “материя” тушунчасининг мазмунини кенгроқ очиб бериш имкониятлари назардан четда қолади. Шубҳасиз, онгнинг моҳияти воқеликни умумлаштирилган ва мақсадга мувофиқ тарзда акс эттиришдан, фаолиятни ақлан режалаш-тириш ва унинг оқибатларини олдиндан кўра билишдан иборат (албатта, ушбу таъриф индивидуум онгига берилган дефинициядир).

Индивид учун одам ва олам ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бунда ушбу икки тушунча мазмунининг ўзгарувчанлигини ҳам инобатга олмақ лозим. Ижтимоий онг ҳақидаги мулоҳазаларимизда ташқи олам деганда табиат ва ижтимоий борлиқни тушунамиз. Масалага индивидуал онг нуқтаи

назаридан ёндашилса, табиат, жамият ва ўзга кишилар ташқи олам ҳисобланади. “Материя” тушунчасининг мазмуни ва ҳажмини англаб етиш учун ушбу мулоҳаза ниҳоятда муҳим.

Бугунги файласуфлар тафаккурнинг ўзга шакллари ҳақида ҳам гапир-моқдалар. Масалан, фалсафий адабиётларда “электрон мия”, “сунъий интел-лект” тушунчалари қўлланилмоқда. Афтидан, ўзга сайёравий онг шакллари ҳам мавжуд бўлса керак. Тўғри, ҳозирча ушбу онг шакли ҳақидаги тасаввур-лар ва мулоҳазалар гипотеза сифатида шакллантирилаётир. Хуллас, фан ва амалиёт ҳозирги замон файласуфларидан “онг” категориясининг моҳиятини чуқурроқ ўрганишни талаб этмоқда. Бу борадаги ҳар бир янги билим “мате-рия” тушунчасининг мазмунини равшанлаштиришга хизмат қилиши табиий.

Фалсафанинг асосий масаласи ҳақида мулоҳаза юритганда, “материя” категориясига қайси тушунчани нисбат қилишимиз кераклигига эътибор қил-маймиз. Бунда “онг” тушунчаси билан бирга “тафаккур” терминини қўллай-миз (яъни “материя” ва “онг”, “материя” ва “тафаккур” ўртасидаги муноса-батлар хусусида гапирамиз). Бирок маълум мақсадда қўл келадиган бундай ёндашувга асослансак, материяга қарши қўйиладиган категориянинг мазму-нини торайтирган, материя ҳақидаги тасаввурларимизни эса соддалаштирган бўламиз. Чунки “онг” ва “тафаккур” тушунчаларининг мазмуни айнан бир хил эмас. Инсоннинг индивидуал онги рационал, ақлий билишдан ташқари воқеликни ҳиссий акс эттиришни ҳам (сезиш, идрок этиш, тасаввур қилиш) ўз ичига олади. Инсон ҳис-туйғулари, кечинмалари ҳам ҳиссий билишга ки-ради. Шу боисдан “материя” тушунчасига фақат “руҳ” категориясини қарши қўйиш мумкин.

б) руҳ

“Руҳ” тушунчаси “тафаккур” тушунчасига қараганда мазмунан бойроқ. Руҳ - номоддий ибтидони ифодаловчи фалсафий тушунчадир. Фалсафий та-факкурда мазкур категория турли методологик позициядан талқин этилади. Хусусан, панлогизм руҳни мантикий тушунча сифатида таҳлил қилса, панте-изм тарафдорлари руҳни оламнинг субстанцияси тарзида ўрганадилар. Раци-онализм руҳнинг муҳим томонини тафаккур ташкил этади, деб уқтирса, ирра-ционализм айрим фикрийлик аспектларини (ирода, ҳис-туйғу, тасаввур, ин-туиция) руҳнинг асосий компоненти сифатида ёритади.

“Руҳ” тушунчанинг генезиси ҳам қизиқарли. Ҳинд фалсафасида унинг мазмуни брахман ва атман билан нисбатда очиб берилади. Брахман – объек-тив, шахсиз руҳий ибтидо бўлиб, унинг “зичланиши” оқибатида олам ву-жудга келади. Атман эса субъектив

рухий ибтидо, индивидуал “Мен”ни анг-латади. Ушбу ғоя ҳозирги замон фалсафий адабийётларида ҳам ривожланти-рилади. Хусусан, уларда рух борлиқнинг турли шаклларида намоён бўлади, деб таъкидланади. Чунончи, алоҳида индивид руҳи (шахсий рух) умумий, жа-моавий рух (объектив рух, масалан, халқ руҳи) ва объективлашган рух (рух-нинг тугал маҳсуллари йиғиндиси, масалан, санъат асарлари) ҳақида гапи-риш мумкин.

Қадимги Юнонистонда “рух” тушунчаси (нус, пневма ва бошқалар) ма-териянинг айрим белгиларига эга бўлган субстрат сифатида тасаввур этила-ди. Платон ва Аристотель фалсафасида энг асосий тушунчалардан бири-ақлдир (нус). Ақл – Коинотни ҳаракатга келтирувчи қудрат, шакл ясовчи ибтидо, деб таърифланади. “Рух” тушунчаси системалаштирилган тарзда ай-ниқса неоплатонизмда, хусусан Плотин асарларида талқин қилинади.

Қадимги дунёда рух космологик, интеллектуалистик ва шахсизлик нуқтаи назаридан талқин этилган бўлса, мусулмон ва христиан адабиётида у олам ва одамни “йўқ”дан яратган шахсий абсолют, шахсий ирода (Худо) си-фатида таърифланади.

Янги давр фалсафасида руҳни рационалистик тушуниш одат бўлди. Унда (хусусан, Р. Декарт, Б.Спиноза, XVII аср француз материалистлари асарларида) рух фаҳм ва тафаккур билан тенглаштирилади. Рухнинг интел-лектуалистик томони айниқса немис классик фалсафасида ҳар томонлама таҳлил қилинади. Шеллинг бутун табиатни рух тараққиётининг бир лаҳзаси, деб ҳисобларди. Гегель эса “умумжаҳон, умумолам руҳи” фалсафасини яратди, унга рух ривожланадиган мантикий категориялар системасига қиёс-ланди. Шу даврда рухнинг иррационалистик таърифи дунёга келди. Чунончи, экзистенциализмда рух фаҳмга қарши қўйилади. У ирода эзистенциясидан келиб чиқади, деб уқдиради экзистенциализм. Ўз назариясида инсон шахсини биринчи ўринга қўювчи персоналистик экзистенциализм эса рух таркибига қуйидагиларни киритади: фаҳм, бурч ҳисси, виждон, раҳм-шавқат, эзгутабаб-лик, ор-номус, адолат, самимият, тавба ва хоказолар. Неопозитивизмда рух муаммоси илмий тадқиқотлар соҳасидан ташқарида турган муаммо, деб эълон қилинди.

Христиан экзистенциализмида рух муаммоси айниқса ажойиб тавсиф-ланади. Унинг йирик намоёндаларидан бири Н.Бердяев: “Рух заминдаги объ-ектив структураларда эмас, экзистенциал субъективликда ўз ифодасини топа-ди”,-деб ёзган эди. (Н.Бердяев. Дух и реальность. В кн.: “Философия свобод-ного духа”.-Москва, 1994, с. 456.) Рух кўпгина белгиларга эга, уларнинг баъ-зиларини ақл билан илғаб бўлмайди. Худди ана шу мураккаблик туфайли уни тушунча сифатида ифодалаш ниҳоятда мушкул. Рух - кўзга кўринадиган нар-са, нарсалар оламидаги нарса эмас. У объектда эмас, субъектда намоён

бўла-ди. “Рух - мавжудликнинг олий сифати, боз устига, жон ва жисм мавжудли-гидан бошқачароқ сифатидир. Инсонни уч қисмдан, яъни рух, жон, жисмдан иборат, деб тушуниш абадий мазмунга эгадир. Лекин бундан инсонда жон ва жисмдан ташқари рух ҳам бор, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, инсон жони ва жисми мутлақо ўзга рухий мавжудликка бирлашади, инсон табиат қўйнидан эркинлик даражасига, фикр ва ғоялар оламига кўтарилади, душ-манликни тарк этиб, муҳаббат ва уйғунлик оламига қадам қўяди. Рух реал-лиги ўзга генезисга эга, бу реалликни объект эмас, Худо ато қилган” (ўша асар, 366-бет). Н.А.Бердяевнинг фикрига кўра, Худо табиатни “сабаб-оқибат” тарзида яратган эмас. Худо табиатни яратиш билан бирга унинг кадр-қимма-тини ҳам аниқлаб берган. У шахсни яратиш билан бирга уни чинлик, эзгулик ва гўзаллик билан таништирган. “Рух аксиологик харктерга эга, рух-... чин-лик, гўзаллик, эзгулик, маъно, эркинлик демакдир” (ўша асар, 382-бет). Рух шахсда намоён бўлади, лекин уни шахсдан олийроқ мазмунга эгалигини унутмаслик керак. Рухни табиат билан солиштирар экан, Н.А.Бердяев рух табиат нарсалари каби макон ва замон билан характерланмаслигини ҳам ай-тиб ўтади.

Хуллас, рухни анъанавий тушуниш ана шундан иборат. Бироқ кейинги йилларда (айниқса Совет ҳокимияти йилларида) рухни онг билан тенглашти-риш одат бўлди. Масалан, С.Аверинцев раҳбарлиги ва таҳрири остида 1989 йилда чоп этилган “Фалсафий энциклопедик луғатда”: “Марксистик фалса-фада “рух” тушунчаси онгнинг синоними сифатида қўлланилади”, дейилади (185-186-бетлар). Натижада қатор методологик чалкашлиklar вужудга келди-ки, унинг оқибатида кўпгина фалсафий ва публицистик адабиётларда “рух” ва “рухийлик” билан “жон” тушунчалари айкаш-уйқаш ишлатила бошланди.

в) материя ва рух ўртасидаги қарама-қаршиликлар

Хўш, материя ва рух ўртасидаги қарама-қаршиликлар нималарда намо-ён бўлади?

Биринчидан, гносеологик тимсолларда моддий предметлардан асар ҳам йўқ, улар мустақил субъектив реалликни ташкил қиладилар.

Иккинчидан, онгдан жой олган тимсоллар асосида рўёбга чиқишга муҳ-тож бўлган конструктлар, ғоялар вужудга келади. Онгнинг ижодий табиати шарофати билан моддий воқеликда ўхшашига эга бўлмаган идеал образлар яратилади.

Учинчидан, индивидуал онг ҳамиша моддий борлиққа боғлиқдир.

* * *

Моддийлик ва маънавийлик, материя ва рух ўртасидаги диалектик алоқадорликка бағишланган мулоҳазаларимизга хулоса ясайдиган бўлсак, материя - инсондан ташқарида турган объектив реалликни ифодаловчи кате-гориядир. Рух эса номоддий ибтидони ифодаловчи фалсафий тушунча ҳисоб-ланади. Материянинг моҳиятини англаб олиш учун “рух” тушунчасининг мазмунини аниқлаш зарур бўлгани каби, рухнинг табиатини илғаш учун “ма-терия” категориясини методологик жиҳатдан тўғри тадқиқ ва талқин этиш шарт. Чунки материя ва рух ўзаро диалектик алоқадордирлар. Борлиқнинг моддий асосини материя ташкил қилса, унинг маънавий асоси рухдан иборатдир.

§5. Ҳаракат

Ҳар қандай объект уни ташкил этган элементлар ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлганидагина “ҳаёт кечири” олади. Масалан, атом унинг қобиғини ташкил этувчи ядро ва электронлар ўртасида ўзаро алоқадорлик шарофати билан мавжуд бўлади. Тирик организмлар ҳаёти тана аъзолари-нинг ўзаро алоқадорлигига боғлиқ. Жамият кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа-дорлик туфайли мавжуддир.

Моддий объект элементлари орасидаги ўзаро алоқадорликдан ташқари объектнинг ташқи олам, ўзга объектлар билан алоқадорлиги ҳам бор. Ушбу объектлар нисбатан мураккаброқ системага киришлари, унинг бир қисмини ташкил этишлари ҳам мумкин. Айтайлик, атом таркибига кирган ядро ва электронлар молекуланинг таркибий қисмларидир. Бундай мисолларни кўп-лаб келтирса бўлади.

Мазкур ўзгаришлар объект хоссаларининг, ҳолатининг ва ўзга объект-лар билан муносабати характерининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Ушбу ўз-гаришларнинг барчаси моддий олам борлигининг ажралмас характеристика-сини ташкил этади. Ана шундай ўзгариш фалсафада ҳаракат деб номланади. Материя ҳаракати деганда нафақат нарсаларнинг маконда механик силжиши-ни, балки объект хоссалари ва ҳолатининг ҳар қандай ўзгаришини тушунмоқ даркор.

Материя ҳаракатсиз мавжуд бўла олмайди. Унинг ҳар қандай объекти ҳаракатнинг турли типлари шарофати билангина мавжуддир. Ҳаракат тўхта-ган заҳоти объект ўзининг маълум шаклдаги мавжудлигини тўхтатади. Мате-рия мутлақ бўлгани каби ҳаракат ҳам мутлақдир.

Кундалик ҳаётда ҳаракатни жисмларнинг механик кўчиши билан қиёс-лаймиз. Модомики, айрим жисмлар Ер узра кўчиб юрар, бошқалари эса ҳара-катсиз турар экан, кундалик онг ушбу икки ҳолатни, яъни ҳаракат билан тур-ғунликни, бир-бирига қарама-қарши қўяди.

Бироқ механиканинг умумий принциплари билан таниш бўлган ҳар қандай киши жисмнинг маълум нуқтага нисбатангина турғун бўлиши мумкинлигини яхши тушунади. Бизнинг уйимиз Ер сатҳига нисбатан турғун, ҳа-ракатсиз турибди. Бироқ Ер билан бирга унинг ўқи атрофида ва Қуёш атро-фида ниҳоятда катта тезлик билан ҳаракатланмоқда. Ер ва Қуёш билан бирга Галактикамиз маркази атрофида янада каттароқ тезлик билан айланмоқда. Ниҳоят, Коинотнинг кенгая бориши туфайли бизнинг уйимиз Галактикамиз билан бирга бошқа галактикалардан йироқлашиб бормоқда. Бинобарин, биз-нинг назаримизда турғун тургандек кўринган жисмлар аслида абадий ҳара-катдадир.

Нарсаларнинг турғунлиги ҳақида гапирганда, уларнинг маълум конфи-гурацияга, яъни ўз элементларининг мунтазам ва барқарор бирлигига эгалиги ҳам назарда тутилади. Лекин, айтايлик, электрон микроскоп орқали бирор бир иморатга назар соладиган бўлсак, унинг ҳеч қандай чегарага эга эмасли-ги маълум бўлади. Иморатнинг ҳаво билан туташ бўлган қатламида доимо диффузия ҳодисаси юз бериб туради. Иморатнинг молекулалари ҳавога, ҳаво молекулалари эса иморатга ўтиб туради. Натижада иморат мунтазам ва мисл-сиз ҳаракат юз бериб турган объектга айланади. Худди шуни эътиборга олган ҳолда америкалик файласуф С. Чейз: “Адирда ўтлаб юрган сигир мутлақо си-гир эмас, балки кутурган электронлар раксидир”, - деб айтган эди.

а) ҳаракат типлари

Ҳаракатнинг икки асосий типи мавжуд. Биринчиси нарса сифатининг сақланиши билан боғлиқ ҳаракатдир. Нарсада доимо бирор бир ўзгариш юз бериб туради. Бироқ у сифатан ўз-ўзига мос бўлиб қолаверади. Лекин нарса-да мунтазам ўзгариш юз бериб турган бир пайтда унинг турғунлиги, мослиги, ўзгармаслиги ҳақида гапириш мумкинми? Бу - қадимий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Гераклит: “Бир дарёга икки бора кириб бўлмайди”, - деб уқдирган эди.

Қадимги юнон файласуфи Кратил эса ушбу тезисни ривожлантириб, бир дарёга икки бора эмас, ҳатто бир бора ҳам кириб бўлмайди, деган хуло-сага келади. Кратилнинг таъкидлашича, нарсалардаги ўзгариш шунчалик кучлики, уларнинг ҳатто номини ҳам айтиб улгурмайсан, чунки бу пайтга келиб, нарса сифатан ўзгариб қолади. Шу сабабли уни бармоқ билан кўрса-тиш мумкин эмиш, холос. Нарсалар мавжудлигини бундай релятивистик ту-шуниш фалсафий тафаккур тарихида бир неча бор намоён бўлди. Йигирман-чи аср фалсафасида ушбу мулоҳаза ҳаракат ҳақидаги асосий тезислардан би-рига айланди (Ст. Чейзнинг таъкидини эслайлик).

Мазкур мулоҳазаларда нарса жараёнга қарши қўйилади. Лекин фалса-фий таҳлилнинг далолат беришича, ҳар қандай нарсанинг ўзи жараёндир. Стол, уй, дарахт

каби нарсаларнинг ўз сифатини маълум муддат сақлаб тури-ши ҳақида гапирганда, уларнинг ҳаракатдан буткул холи эканлиги назарда тутилмайди. Масалан, стол устига Қуёш нурларининг тушиши оқибатида фо-тоэффе́кт ҳодисаси юз беради. Лекин мазкур ўзгаришдан (ҳаракатдан) қатъий назар у маълум муддат давомида ўз сифатини йўқотмайди. Буни нарса сифа-тий ҳолатнинг сақланиши билан боғлиқ ҳаракат деб атайдилар.

Ҳаракатнинг биз тилга олган типидан ташқари яна бир кўриниши мав-жуд. Маълум шароитларда нарсаларнинг сифати ҳам ўзгаради. Бунга бирор нарсанинг бузилишини, бўлиниб кетишини мисол қилса бўлади. Хусусан, нисбатан мураккаб жараёнлар ҳам сифат ўзгаришига олиб келувчи ҳаракат типига киради. Қуёш каби юлдузларда юз берадиган ўзгаришлар бунинг яққол мисолидир.

Ҳозирги замон физикаси ва астрономиясининг маълумотларига қара-ганда, Қуёш ўз эволюциясида бир неча босқичларини босиб ўтади. Ушбу босқичлар характери юлдузларнинг бошланғич массасига боғлиқ. Чунончи, Қуёш 6 минг даражадаги (Цельсий бўйича) иссиқликка эга бўлиб, спектрлар синфига оид сарик юлдузлар туркумига киради. Унинг қаъридаги иссиқлик ҳарорати бир неча миллионга етади. Мазкур шароитда термоядро синтези жараёни содир бўладик, унинг давомида водород гелийга айлана боради. Дарвоқе, Қуёш энергиясининг асосий манбаи ҳам ана шундай синтез билан боғлиқ. Бундай кимёвий жараён шарофати билан Қуёш 5 миллиард йил “умр кўради” ва яна тахминан 10 миллиард йил мавжуд бўлади. Бу давр ичида унинг қаъридаги водород ёниб, гелий атомининг ядросига айланади. Оқибат-да Қуёшнинг босими ва ҳарорати кўтарила боради ва гелийнинг углеродга айланиши жараёни бошланади. Ушбу ядро реакцияси Қуёш ҳажмининг тах-минан 149,6 миллион километрга кенгайиб кетишига олиб келади (Қуёш ва Ер орасидаги ўртача масофа ҳам айнан ана шунча). Сўнгра юлдузнинг “сови-ши” жараёни бошланадики, унинг ниҳоясида Қуёш Ер сайёрасининг ҳажми-дан ҳам кичикроқ бўлган ўлик юлдузга айланиб қолади. Зеро, бу барча юлдузларнинг тақдиридир.

Ҳаракатнинг мазкур типига материянинг биологик шаклларида ҳам мисоллар келтириш мумкин. Масалан, янги турдаги ҳайвонлар ва ўсимлик организмларининг вужудга келиши, алоҳида организмларнинг бир неча бос-қичларини босиб ўтиши ва ҳоказолар.

б) материя ҳаракати шакллари

Материя шакллари иерархиясига мувофиқ тарзда ҳаракатнинг ҳам турли шакллари мавжуд. Улар қуйидаги принциплар асосида тавсифланади:

- 1) ҳаракат шакллари материянинг маълум даражаларига мансуб бўла-ди;
- 2) ҳаракатнинг турли шакллари ўртасида алоқадорлик мавжуд, яъни ҳа-ракатнинг ҳар бир шакли қуйи шакллар асосида, унинг негизида дунёга ке-лади;
- 3) ҳаракатнинг олий шакллари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради ва қуйи шаклларида мутлақо тафовутланади.

Фалсафада юқоридаги принципларга асосланиб, ҳаракатнинг беш шак-лини ажратиш одат бўлган: механик, физик, химик, биологик ва ижтимоий ҳаракат. Бироқ ҳозирги замон фани материянинг янги даражаларини кашф этиб бормоқда. Бу материя даражаларининг ўзига хос ҳаракатланиш шаклла-ри мавжуд. Шу боисдан давримиз олиму-фузалолари бугунги кунда геоло-гик, сайёравий ва ўзга ҳаракат шакллари ҳақида ҳам гапирмоқдалар. Аммо ҳаракатнинг ушбу шакллари хусусида илмий маълумотлар ҳанузга қадар камлигича қолмоқда.

Бизга маълумки, материянинг уч асосий даражаси мавжуд: ўлик табиат, тирик табиат ва жамият. Шунга кўра, ҳаракатнинг шакллари ҳам уч тур-кумга бўлиш мумкин. Чунончи, ўлик табиатни физик, химик ҳаракат харак-терласа, тирик табиатни биологик, жамиятни эса ижтимоий ҳаракат тавсиф-лайди. Механик ҳаракат бирор бир материя даражаси билан боғлиқ эмас. У бир неча шундай даражалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни характерлайди. Боз устига, элементар заррачалар ва атомлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик-ни ифодаловчи ҳаракат шаклини квантомеханик ҳаракат дейишимиз мумкин.

Фаннинг XXI асрдаги прогресси материя даражалари ҳақидаги та-саввурларимизни янада бойитади ва шунинг билан янги ҳаракат шакллари-нинг аниқланишига олиб келади. Натижада материя ҳаракати ҳақидаги би-лимларимиз янада равшанлашади.

* * *

Ҳаракат хусусида мулоҳазаларимизга хулоса ясайдиган бўлсак, ҳаракат – материя мавжудлигининг усули бўлиб, нарсада юз берган ҳар қандай ўзга-ришни ифоалайди. Ҳаракатнинг антиподи турғунликдир, ҳаракат абадий, турғунлик эса нисбий тушунчадир. Фалсафий адабиётларда ҳаракатнинг ик-ки типи (микдорий ва сифатий ўзгаришларга олиб келувчи ҳаракат), турли шакллари (механик, физик, химик, биологик, ижтимоий, шунингдек геоло-гик, сайёравий ва бошқалар) кўрсатиб ўтилади.

§6. Макон ва замон

Кундалик турмушимизда “макон” ва “замон” тушунчаларини одатий, оддий тушунчалар сифатида қўллаймиз. Бироқ аслида макон ва замон де-ганда нимани тушунмоқ керак, деган саволга фалсафа нуқтаи назаридан жа-воб излай бошлаганимиз

заҳоти мазкур масаланинг ғоятда мураккаблигига амин бўламиз. Бугунги кунда ушбу масалани табиатшунослик, физика ва ўзга ижтимоий-гуманитар фанларнинг ютуқлари асосида таҳлил қилишимиз шарт. Чунки айнан ана шу билим соҳаларигина макон ва замон ҳақидаги та-саввурларнинг турли аспектларини ёритиб бера олади.

а) “макон” ва “замон” тушунчаларининг моҳияти

Аввало “макон” ва “замон” категорияларининг мазмунини аниқлаб ол-сак. Биз ўз фаолиятимиз давомида оламнинг мураккаб таркибга эга эканлиги-га, моддий объектларни ташкил қилган қисмлар ва элементлар бир-бирларига нисбатан маълум тарзда жойлашганига, уларнинг маълум чегарага эгалигига шохид бўламиз. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳар бир объект унга кирувчи эле-ментлар, нарсалар оламида тутган ўрни ва ўлчамлари билан характерланади.

Моддий оламнинг таркибий тузилишини ифодаловчи ушбу хоссалар маконнинг бошланғич ва асосий характеристикалари ҳисобланади. Уларни воқеликнинг ўзидан ажратиб олсак (албатта, ҳаёлан), “соф макон” ҳақидаги тушунчага эга бўламиз. Макон ҳақидаги тасаввурлар ва “макон” тушунчаси айнан шундай ҳосил қилинади. Материя турли шаклларга, маълум таркибига эгалиги туфайлигина “макон” тушунчаси ўзига хос мазмунга эга. Агар олам мураккаб таркибга эга бўлганида эди, “макон” тушунчаси бирор мазмун касб этмаган бўлур эди.

Худди шу мантиққа асосланиб “замон” тушунчасининг ҳам мазмунини аниқлаш мумкин. Моддий олам нафақат таркибий тузилишга эга. Ундаги объектлар ҳамиша ҳаракатда ва ривожланишда, бинобарин улар ўз мавжуд-лиги давомида бир неча босқични босиб ўтадилар. Мазкур объектлар “ҳаёти-да” турли сифатий ҳолатлар бири иккинчиси билан алмашилиб туради. Ушбу алмашилиш маълум даврийликка эга бўлиши, бир босқич бошқасига нисба-тан узунроқ ёхуд қисқароқ давом этиши мумкин. Жараёнларнинг ушбу ўзига хос хусусияти “давомийлик” тушунчаси орқали характерланади. Турли даво-мийликларни таққослаш эса жараёнларнинг тезлиги ва маромини ифодалов-чи меъёрлар учун асос вазифасини ўташи мумкин. Агар ушбу хусусиятларни фикран нарсалар ва жараёнлардан ажратиб олган ҳолда таҳлил қилсак, “соф замон” ҳақидаги тасаввурга эга бўламиз. Замон ҳақидаги тасаввурлар ва “за-мон” тушунчаси ҳаракат ва тараққиёт борлиги туфайлигина маълум мазмун касб этади. Материя ҳаракатланмаганида эди, замон хусусида гапиришнинг ҳожати бўлмаган бўларди.

Кундалик ҳаётда “замон” тушунчаси ҳаракатнинг турли жараёнларини таққослаш натижасида ҳосил қилинади. Масалан, биз “маъруза бир соат да-вом этади”, -деймиз.

Демак, бир жараён (маъруъзачининг ўз фикрларини ифо-далаши) бошқа бир жараён билан (соат капгирининг ҳаракати) таққослан-моқда.

Шу ўринда инсон ўз интуицияси асосида вақтни билишга қодирлиги ҳақида ҳам гапириб ўтишимиз лозим. Уни турли тажрибалар ёрдамида аниқ-лаш мумкин. Масалан, космонавтларни парвозга тайёрлаш давомида ўтказил-ган тажрибаларнинг якунига қараганда, сурдокамераларда синовдан ўтаётган космонавтлар синов давом этган вақтни деярли аниқ (1-3 дақиқага янгли-шишларини ҳисобга олмасак) айта оладилар. Хўш, бундай интуиция инсонга қаердан пайдо бўлиб қолади?

Гап шундаки, бизнинг организмимизда турли жараёнлар кечадики, вақтнинг ўтишини онгли ёки онгсиз равишда шу жараёнлар билан таққослай-миз. Бошқача айтадиган бўлсак, инсон танасида биологик соат мавжуд бўлиб, у турли жараёнлар давомийлигини аниқлаш имконини беради. Чунончи, кун ва туннинг турли вақтларида буйрак, ўпка, жигар ва юрак турлича ишлайди. Тиббиёт билимдонларининг маълумотларига қараганда, тунги икки билан тўрт орасида жигар ниҳоятда фаол ишлай бошлайди. Тунги тўртдан кейин эса жигарнинг танани заҳарли моддалардан тозалашга қаратилган фаолияти ниҳоятда сусаяди. Шу вақтда бошқа аъзолар ҳам суёт фаолият кўрсатадилар. Шу сабабли аксарият беморлар тонготарда дунёдан кўз юмадилар.

Инсон мияси ҳам ўз фаолияти маромига эга. Унинг фаоллиги даража-сини характерловчи альфа-маромлар, кибернетика отаси Норбер Винернинг таъкидлашича, биологик соат вазифасини ҳам ўтайди.

Бошқа бир гипотезага кўра, инсоннинг вақтни сезиш ҳисси организмда юз берадиган оксил алмашинуви билан боғлиқ эмиш. Инсон қарий боргани сари унинг танасидан оксил алмашинуви секинлаша боради, натижада био-логик соатнинг ишлаши ҳам сусаяди. Шу боисдан ёшликда вақт секин ўтган-дек кўринса (оксил алмашинуви тез, лекин ташқи оламдаги воқеалар секин юз беради), қариган сайин вақт тезлашаётгандек туюлади (оксил алмашинуви секин, воқеалар эса тезроқ юз беради).

б) макон ва замоннинг реляцион ва субстанциал концепциялари

“Макон” ва “замон” категориялари борлиқнинг таркибий тузилишини ва ўзгарувчанлигини ифодаловчи умумий абстракциядир. Макон ва замон – материя мавжудлигининг шакллари дир. Бироқ фалсафа тарихида ушбу ту-шунчалар турлича талқин қилиб келинган. Ушбу талқинлар заминида икки асосий концепция вужудга келди. Хусусан, субстанциал концепция макон ва замонни объектлардан холи равишда мавжуд бўлган моҳиятлар сифатида таърифлайди. Худди сахна декорацияларсиз мавжуд бўла

олгани каби макон ва замон ҳам турли нарсаларсиз, жараёнларсиз “яшай” олар эмиш. Бу нуктаи назарни буюк физик Исаак Ньютон ҳам қўллаб-қувватлаган.

Субстанциал ёндашувдан фарқли ўлароқ, макон ва замоннинг реляцион концепцияси ҳам мавжуд. Бу концепциянинг энг йирик намоёндалардан бири Г.В. Лейбниц ҳисобланади. Унинг уқдиришича, макон ва замон турли обь-ектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан ўзга нарса эмас. Бинобарин, мате-рия бўлмаса, макон ва замон ҳам бўлмайди.

Ҳозирги замон файласуфларининг аксарият қисми реляцион ёндашув-ни маъқуллайдилар. Физиканинг XX аср давомида эришган ютуқлари, айниқ-са А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ушбу ёндашувнинг нақадар тўғри-лигини исботлаётир. Нисбийлик назарияси бизнинг макон ва замон ҳақидаги фалсафий тасаввурларимизни аниқлаштириш, равшанлаштириш имконини беради.

Хўш, нисбийлик назариясидан қандай хулосалар чиқаришимиз мум-кин? А.Эйнштейннинг 1905 йилда ифодаланган махсус нисбийлик назарияси-да исботлашича, реал физик оламда макон ва замонга оид интерваллар бир санок системасидан иккинчисига ўтилиши билан ўзгариб боради. Физикада санок системаси деганда жисмларнинг макон ва замонга оид характеристика-ларини ўлчаш имконини берадиган асбоблар мажмуи тушунилади. “Эски” физиканинг уқдиришича, агар санок системаси бир-бирига нисбатан бир ма-ромда ва тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланса (бундай ҳаракат текис ҳаракат де-йилади), маконга (икки нукта орасидаги масофа) ва замонга (икки ҳодиса ўр-тасидаги давомийлик) оид интерваллар ўзгаришсиз қолади.

Нисбийлик назарияси ушбу “ҳақиқатнинг чекланганлигини” кўрсатиб берди. Маълум бўлишича, ҳаракат тезлиги ёруғлик тезлигидан кам бўлган пайтдагина жисмларнинг ўлчамлари ва вақтнинг ўтиши ўзгаришсиз қолади. Бироқ ёруғлик тезлигига яқин ҳаракат ҳақида гап борганида, макон ва замон-га оид интервалларнинг ўзгариши анча сезиларли бўлиб қолади. Санок сис-темаси ҳаракатининг нисбий тезлиги кўпая боргани сари маконга оид интер-валлар қисқариб, замонга оид интерваллар эса чўзилиб боради.

Бир қарашда, ушбу хулоса ақли расоликдан йироқдек кўринади. Унга ишонадиган бўлсак, сафарга отланган ракета ёруғлик тезлигида ҳаракатлана бошлагани замонок кичикроқ, қисқароқ бўлиб қолиши керак. Шунингдек, ушбу ракетада вақтнинг ўтиши ҳам секинлашиши, космонавтнинг юрак уриши, унинг танасидаги оқсил алмашинуви ҳам ўзгариши керак. Ёруғлик тезлигининг шарофати билан юз берадиган бундай жараёнларни кичик, секин тезликларни англаб етишгагина одатланган онгимиз билан уқиб олишимиз ниҳоятда мушкул.

Нисбийлик назарияси моддий оламдаги макон-замон муносабатлари-нинг янги бир муҳим томонини очиб берди. У макон ва замон ўртасида мус-таҳкам боғлиқлик борлигини исботлади. Ушбу назарияга кўра, табиатда яғо-на макон-замон бор, алоҳида олинган макон ва замон эса ушбу яхлитликнинг проекциялари сифатида мавжуддир. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто кунда-лик ҳаётимизда ҳам бирор воқеа ҳақида гапиришдан олдин унинг қаерда (яъни маконнинг қайси нуқтасида) ва қачон (яъни замоннинг қайси даврида) юз берганини кўрсатиб ўтамиз.

Хуллас, махсус нисбийлик назариясидан чиқарилган фалсафий хулоса-ларнинг гувоҳлик беришича, макон ва замон объектив ҳарактерга эга бўлса-лар-да, уларнинг хоссалари материя ҳаракатига, ҳаракатланаётган материяга боғлиқдир.

в) макон ва замон ўлчовлари ва бениҳоялиги муаммоси

Бизнинг оламимиздаги макон ва замон тўрт ўлчовдир: унинг учтаси маконни, биттаси эса замонни характерлайди. Жисмнинг маконда жой олиши учун уч координата этади, ҳодиса ёхуд воқеанинг замонга оид хусусиятини эса битта координата ёрдамида аниқланади. Бошқача айтадиган бўлсак, ма-кон уч ўлчовли, замон эса бир ўлчовдир.

Фалсафий тафаккур ва табиатшунослик тарихида маконнинг уч ўлчов-ли ва замоннинг бир ўлчовли эканлигини бир неча бор тушунтириб беришга интилишган. Масалан, ўрта аср схоластлари Пифагор ва Аристотель таъли-мотига таяниб, маконнинг уч ўлчовлилигини оламнинг мукамаллиги ҳақи-даги тасаввурлар билан боғлайдилар. Узунликни ташкил этувчи чизиққа кенгликни ташкил этувчи чизиқни қўшсак, жисм юзага келади. Бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки айнан ана шу ўлчовлик мукамалликни ҳосил этади, дейишади схоластлар. Улар шу сабабдан “3” рақамини муқаддас (бар-ча нарсалар ўз ибтидосига, ўрта нуқтасига ва якунига эга) деб эълон қилади-лар.

Галилей ушбу фикрларни киноя билан қабул қилиб, агар “3” рақами му-қаддас экан, нега инсоннинг оёғи иккита, деб эътироз билдирган эди. Макон-нинг учтадан бошқа ўлчовга эга эмаслиги ҳақидаги қарашларни Галилей таж-рибанинг соддаларча умумлаштирилиши, деб баҳолаган эди.

Маконнинг уч ўлчовлигига доир масалага И.Кант мутлақо бошқача ён-дашди. У маконнинг ўлчовлигини жисмлар ҳаракатининг ўзига хос хусусият-лари билан боғлашга интилади. Кантнинг ғояси муддатидан илгари дунёга келганди, чунки ўша даврда табиатшунослик ушбу ғояни асослаб бериш им-конига эга эмас эди. Бундай имкониятлар XX асрдагина вужудга келади. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Австрияда ижод қилган физик П. Эренфест маконнинг уч ўлчовлилиги икки жисмдан иборат ўзаро боғлиқ сис-темаларнинг мавжуд бўлиши шарти эканлигини кўрсатиб берди. Учтадан ор-тик

ўлчовга эга бўлган маконда сайёралар системаси дунёга кела олмайди, дейди физик. Кейинчалик ушбу мулоҳазалар атомлар ва молекулаларга нисбатан қўлланиб ва асослаб берилди. Хусусан, ядро атрофидаги электрон қат-ламлар, атомлар ва молекулалар фақат уч ўлчовли макондагина вужудга келиши исботланди. Хуллас, бизнинг Метагалактикамизда материянинг тур-ли кўринишлари ўзларининг макон-замонга оид фундаментал хусусиятлари (яъни 3+1 ўлчовлилик) билан бевосита боғлиқдирлар.

Металактиканинг вужудга келиши ҳақидаги замонавий концепциялар ва Метагалактика ҳудудидан ташқарида ҳам объектлар мавжудлиги тўғри-сидаги гипотезалардан келиб чиқадиган бўлсак, яна бир саволнинг вужудга келиши табиий: бошқа ўлчовларга эга макон ва замон ҳам мавжудми?

Маконнинг кўп ўлчовлилиги муаммоси узоқ тарихга эга. Хусусан, ма-тематика ва геометрияда турли илмий масалаларни ечаётганда кўп ўлчовли макон образи қўлланилади. Теология ва мистика руҳлар борлигини, дўзахни тўртинчи ва бешинчи ўлчов билан боғлайдилар. Албатта, бу фикрлар абс-тракциядан ўзга нарса эмас.

Лекин макон ва замон абадий ва бениҳоядир. Қадимги Юнон файласу-фи Архит бундай бениҳояликни антиқа мисол ёрдамида кўрсатиб беради. Ай-тайлик, бирор бир нуқтадан найза отадиган бўлсак ва найза тушган жойдан ўз ҳаракатимизни қайтарсак, ҳеч қачон маконнинг сўнги нуқтасига, яъни улоқтиришга имкон бўлмайдиган жойга етиб бора олмаймиз. Боз устига, най-за ота бошлаган нуқтамизга ҳам қайтиб келмаймиз. Гегель бундай бениҳоя-ликни “бемаъни бениҳоялик” деб атаган эди.

Материя ҳақиқатан ҳам маконда бениҳоядир. Лекин ушбу бениҳоялик-ни нафақат микдорий маънода, балки сифатий маънода ҳам тушуниш керак. Ҳозирги замон космологик тасаввурларига кўра, бизнинг Метагалактикамиз-дан ташқарида ҳам оламлар мавжуд. Бу оламларда макон ва замоннинг биз билмаган ўлчовлари бўлиши мумкин. Ким билсин, балки ХХI аср илмий-техника тараққиёти ана шу соҳадаги билимларимизни кутилмаган кашфи-ётлар бойитар?

* * *

Макон ва замон ҳақидаги мулоҳазаларимизга хулоса ясасак. Хуллас, макон ва замон – материянинг мавжудлик шакллари-дир. Макон нарсаларнинг борлиқдаги ўрни, чегаралари ва таркибини ифодаловчи категория бўлса, за-мон ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг давомийлигини англаб олиш учун қўл-ланиладиган тушунчадир. Макон ва замон материядан ташқарида ва ундан мустақил равишда мавжуд бўла олмайди. Бизнинг Метагалактикамиздаги макон-замон 3+1 ўлчовлидир. Лекин Метагалактикадан ташқаридаги олам-ларда макон ва замоннинг бошқа ўлчовлари бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчи боб
БОРЛИҚДАГИ ЎЗARO
АЛОҚАДОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

§1. Борлиқдаги универсал алоқадорлик ва ўзгарувчанлик

а) универсал алоқадорлик ғояси

Фалсафада нарса ва ҳодисаларнинг универсал, умумий алоқадорлиги ғояси алоҳида аҳамиятга молик. Нарсаларнинг, ҳодисаларнинг ўзаро алоқа-дорлигини илғаб олиш мушкул эмас: ҳаётимизнинг ўзи бунга кўплаб ми-соллар келтиради. Зотан, маиший турмушимизда бинодаги шарт-шароитлар-нинг инсон саломатлигига таъсирини, об-хавонинг ҳосилдорлик даражасига таъсирини кўп такрорлаймиз. Бундай алоқадорликнинг нисбатан мураккаб кўринишлари мавжуд. Масалан, табиий шарт-шароитлар миллатнинг мента-литетига, турмуш тарзига таъсир ўтказади. Ижтимоий фаолият эса, ўз нав-батида, табиий шарт-шароитларга жиддий таъсир ўтказа боради. Ҳозирги замон фалсафаси бундан-да эътиборлироқ алоқадорликларнинг сир-синоат-ларини аниқлашга ҳам интилади.

Бироқ бир ҳодисанинг бошқасига ўтиб туриши, бир нарсанинг иккин-чисига таъсир кўрсатиши - борлиқнинг муҳим атрибути, хусусияти эканлиги-ни англаш учун жиддий фалсафий мушоҳада юритмоқ лозим. Чунки борлиқ-нинг ҳар қандай атрибути хусусида фикрлаш учун мавҳум тафаккур юритиш-нинг энг юқори даражасига кўтарилмоқ даркор.

Бинобарин, борлиқдаги уни-версал алоқалар моҳиятини билишга юксак фалсафий маданиятга эга бўлган шахсгина қодирдир.


Борлиқдаги универсал алоқадорлик ғояси кўп асрлар давом этган фал-сафий мунозаралар ва мулоҳазалар маҳсулидир. Қадимги Хитой, Ҳиндистон ва Юнонистондаёқ файласуфлар борлиқда универсал алоқадорлик мавжуд-лигини тушуниб етгандилар. Антик фалсафа вакиллари оламдаги нарса ва ҳо-дисалар қарама-қарши хусусиятларга эгаллигини, ушбу хусусиятлар ўзаро алоқадорлигини, бир-бирига ўтиб туришини (иссиқ совуққа, қуруқ ҳўлга ва ҳоказо) қайд этган эдилар. Аста-секинлик билан ушбу мулоҳазалар борлиқ-нинг ўзгарувчан характерга эгаллиги ҳақидаги, бошқача айтганда, ўзгариш тўғрисидаги фикрларга бориб тақалди.

б) ўзаро алоқадорлик ва ўзгарувчанлик

Узоқ давр борлиқ ўзгармас характерга эга, деб ҳисобланарди. Олам-нинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги тасаввур ўз даврида буюк кашфиёт бўлган эди. Хитой, Ҳиндистон ва Юнонистон мутафаккирларининг ҳулосаларига кў-ра, борлиқнинг барча шакллари ўзгарувчан характерга эга. Уларнинг ўзгари-ши учун маълум вақт керак бўлади, бу вақт мобайнида нарса ёки ҳодиса ўз хусусиятларини йўқотиб, янгиларини касб этиб боради. Албатта, қадимги давр мутафаккирлари ҳаракатнинг турли шакллари хусусида илмий маълумотларга эга эмасдилар, уларнинг ҳулосалари мантикий фикрлашнинг маҳсу-ли эди, ҳолос. Шунга қарамасдан, улар масаланинг асосий моҳиятини илғаб ола олдилар: борлиқдаги барча нарсалар бир-бирига таъсир ўтказа боради, ушбу таъсир, ўзаро алоқадорлик уларнинг ўзгаришига олиб келади.

Ўзаро алоқадорлик ва ўзгариш ҳақидаги илк тасаввурларни дао мада-ниятида кўришимиз мумкин. Масалан, «Хуайнаньцзи» китобида борлиқнинг беш моддий ва беш маънавий элементдан ташкил топгани, бу элементлар ўзаро бирлаштирилган горизонтал ва вертикал хочлардан (крестлардан) ибo-ратлиги уқдирилади. Моддий элементларни ифодаловчи горизонтал хоч қу-йидагича тасаввур этилади (Схема 1):

Схема 1



Моддий элементлар бир-бирига таъсир кўрсатган ҳолда ўзгариб боради. Улар орасида-ги ўзаро таъсир ва ўзгарувчанлик мантиғи биз тилга олган китобда қуйидагича тасав-вур этилади:

1. Дарахт вояга етади, Сув қарийди, Олов туғилади, Металл асир бўлади, Тупрок ўлади.

2. Олов вояга етади, Дарахт қарийди, Тупроқ туғилади, Сув аср бўлади, Металл ўлади.
3. Тупроқ вояга етади, Олов қарийди, Металл туғилади, Дарахт асир бўлади, Сув ўлади.
4. Металл вояга етади, Тупроқ қарийди, Сув туғилади, Олов асир бўлади, Дарахт ўлади.
5. Сув вояга етади, Металл қарийди, Дарахт туғилади, Тупроқ асир бўлади, Олов ўлади.

Дао маданияти маънавий элемент-ларни **Схема 2**

ҳам хоч тарзида тасаввур этади (Схема 2).

Қадимги Хитой файласуфла-рининг хулосаларига кўра, маънавий эле-ментлар ҳам бир-бирига таъсир этган ҳолда ўзгара борадилар.

Масъулият

—Эзгулик

Эътиқод

Инсонпарварлик

Қадимги Ҳиндистоннинг ортодоксал ва ноортодоксал фалсафий мак-табларида ҳам борлиқдаги ўзаро алоқадорлик ва ўзгарувчанлик ҳақидаги фикрлар кўплаб учрайди. Уларнинг бирига мурожаат этиш билан чеклансак. Буддизм таълимотида инсоннинг танаси ҳам, руҳи ҳам борлиқнинг ўзгарув-чан элементлари - дхармларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келган жа-раён (!) сифатида талқин этилади. Дхармларнинг турли шаклдаги комбина-цияси нафақат инсон танасини, балки унинг туйғулари ва тасаввурларини шакллантиради. Буддизм тарафдорлари ушбу мулоҳазадан ўзига хос хулоса қиладилар: тана ва руҳ - ўзгармас реаллик эмас, у мунтазам ўзгаришда. Ҳаёт мунтазам тўлқинланиб турган уммонга ўхшайди: ундаги тошқинлар ўрнини осойишталик, осойишталик ўрнини тошқин эгаллаб туради.

Қадимги Юнонистонда борлиқдаги универсал алоқадорликка, унинг ўзгарувчан характериға илк бор эътибор берган файласуф Гераклит бўлди. Унинг тасаввурига кўра, олам доимий оқиб, ўзгариб турган дарёга ўхшайди, бу дарёга икки бора кириб бўлмайди (чунки иккинчи бора кирганда дарёнинг барча атрибутлари ўзгарган, яъни ўзга дарё бўлади). Бироқ ундан кейин ижод қилган файласуфларнинг бир гуруҳи бу ўзгарувчанликни воқелиқнинг юзаки хусусияти деб билган бўлсалар (масалан, Зенон ўз апориялари ёрдамида бор-лиқнинг юзаки қисмигина ўзгаришини, унинг моҳияти эса ўзгаришсиз қоли-шини исботлашга уринди), иккинчи гуруҳи ўзгарувчанликни борлиқнинг мутлақ атрибути сифатида талқин қилди (масалан, Кратил Гераклит айтган

дарёга икки бора эмас, бир бора ҳам кириб бўлмаслигини уқдирди: мен ки-ришни назарда тутган дарё мен кирган дарёдан тубдан фарқ қилади).

Борлиқнинг универсал алоқадорлиги ва ўзгарувчанлиги ҳақидаги муло-ҳазалар немис классик фалсафасида айниқса ёрқин талқин этилди. Г. Гегел-нинг наздида борлиқдаги универсал алоқалар ва ўзгарувчанлик «тезис – ан-титезис – синтез» триадаси тарзида намоён бўлади. Айни пайтда Г. Гегель борлиқдаги ўзгаришлар сифатан янги системаларни юзага келтиришини куза-тар экан, ўзгаришнинг нафақат миқдорий, барки сифатий характерга эгаллиги-ни ҳам кашф этди. Сифатий ўзгаришлар борлиқнинг илмий-фалсафий манза-расини чизишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

в) универсал алоқадорлик типлари

Ҳозирги замон фалсафаси борлиқдаги универсал алоқадорлик ғоясини қуйидагича таърифлайди. Борлиқдаги нарсалар ва ҳодисалар ўртасида умумий, турли характерга эга бўлган алоқадорлик мавжуд, улар ўзаро алоқадор-ликда ўзгариб ва ривожланиб борадилар.

Маълумки, борлиқ ўз тузилишига (таркибига) эга. Ушбу таркиб замон-лар ўтиши билан ўзгариб боради. Шунга кўра, борлиқдаги универсал алоқа-ларнинг икки типини ажратиш мумкин:

1.Таркибий алоқалар. Мазкур алоқалар қуйидагиларни ўз ичига олади:


- а) бутун ва бўлак ўртасидаги алоқалар;
- б) система ва элемент ўртасидаги алоқалар;
- в) шакл ва мазмун ўртасидаги алоқалар;
- г) моҳият ва ҳодиса ўртасидаги алоқалар;
- д) айримлик ва умумийлик ўртасидаги алоқалар.

2. Детерминация алоқалари. Ушбу алоқалар қуйидагилардан таркиб то-пади:

- а) сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқалар;
- б) имконият ва воқелик ўртасидаги алоқалар;
- в) зарурият ва тасодиф ўртасидаги алоқалар.

Универсал алоқадорлик схемасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Схема 3



• бутун ва бўлак ўртасидаги алоқа-лар • система ва элемент ўртасидаги алоқалар • шакл ва мазмун ўртасидаги алоқа-лар • моҳият ва ҳодиса ўртасидаги алоқалар • айримлик ва умумийлик ўртасидаги алоқалар	• сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқа-лар • имконият ва воқелик ўртасидаги алоқалар • зарурият ва тасодиф ўртасидаги алоқалар
---	--

г) фалсафий категориялар

Тилга олинган алоқалар тегишли фалсафий категориялар ёрдамида ифодаланади. Маълумки, ҳар қандай алоқа бир эмас, икки субъектнинг мав-жуд бўлишини тақазо этади. Айтайлик, халқаро муносабатлар учун А ва В давлатлар бўлиши, дўстлик алоқалари учун А ва В шахс бўлиши шарт. Худ-ди шунингдек, ҳар қандай алоқани ифодалаш учун унинг ҳар иккала қутби номланиши лозим. Шу боис фалсафада категорияларни жуфт-жуфт ҳолда шакллантириш ва юритиш одат тусига кирган. Фалсафа категориялари бир-бири билан уйғунлашар экан, борлиқдаги ўзгаришлар ва зиддиятлар, алоқа-лар ва муносабатларни муфассал ёритиб беради. Аини пайтда фалсафий категориялардан ўринли фойдалана билиш малакаси фалсафий фикрлаш мада-ниятининг юксак даражада шаклланишидан далолат беради.

Воқелик ҳақидаги билимларимиз кенгайиб борар экан, фалсафий категорияларнинг мазмуни ва ҳажми ҳам тўлишиб боради.

* * *

Борлиқдаги универсал алоқалар ҳақидаги мухтасар мулоҳазаларимиз-дан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: Борлиқдаги универсал алоқа-дорлик ғояси кўп асрлик тафаккур маҳсулидир. Унинг моҳиятини нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги умумий алоқадорлик, нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиқдаги ўзгариши ва тараққиёти ҳақидаги хулосалар ташкил этади. Универсал алоқалар икки типга (таркибий ва детерминация алоқалари) эга. Улар фалсафий категориялар ёрдамида ифодаланади.

§2. Тартиблилик ва системавийлик

Борлиқдаги таркибий алоқаларнинг тартибли ва системавий характерга эгалигини англаб етиш учун унинг ташкил топиши синоатларини яхши бил-моқ даркор. Бошқача айтганда, системанинг (нарсанинг) таркибини аниқлаш учун энг аввало унинг вужудга келиш ва шаклланиш мантиғини тадқиқ этиш зарур бўлади.

а) системаларнинг ўз-ўзидан ташкил топиши. Тартиблилик

Ҳозирги замон фалсафаси системаларнинг вужудга келиши ва шакл-ланиши жараёнини тушунтиришда уларнинг ўз-ўзидан ташкил топиши ҳақи-даги ғояга асосланади. Ушбу ғоянинг шаклланишига муаммони системавий ва информацион ёндашув позициясидан таҳлил қилган файласуфлар жиддий улуш қўшдилар. Бироқ, бу мутахассислар биологик ва ижтимоий системалар-ни тадқиқ этиш билан чекландилар. Ноорганик табиатдаги системаларнинг ташкил топиши муаммоси эса эътибордан четда қолди.

Ушбу вазифа синергетика номини олган таълимотда (асосчилари Г. Ха-кен ва И. Пригожин) ўз талқинини топди. Ушбу таълимотга кўра, ўз-ўзидан ташкил топиш қонуниятлари нафақат биологик ва ижтимоий, балки ноорга-ник табиатдаги системаларга ҳам хосдир. Турли системаларда содир бўлаёт-ган жараёнларни икки типга ажратиш мумкин:

а) ёпиқ системаларда кечадиган жараёнлар; бу системаларда мувозанат (тартибли, осойишта) ҳолати ҳукмрон, бироқ маълум шарт-шароит таъсирида ушбу тартиблилик ўрнини тартибсизлик (хаос) эгаллайди;

б) очик системаларда кечадиган жараёнлар; бу жараён давомида систе-маларда ўз-ўзидан тартибсизлик ўрнини тартиб эгаллай боради ва таркиб (элементлар ўртасидаги алоқалар) юзага келади. Синергетика айнан ана шу жараённи системаларнинг ўз-ўзидан ташкил топиши деб номлайди.

И. Пригожин ва И. Стенгерс ўзларининг «Тартибсизликдан тартибга» («Порядок из хаоса» – М., 1986) номли китобида системанинг ўз-ўзидан таш-кил топиши жараёнини қуйидагича тушунтиради. Система термодинамик му-возанат ҳолатида бўлганида унинг элементлари (айтайлик, газ молекулалари) бир-бирига таъсир ўтказмайдилар. Уларнинг ҳолати гипнотик уйқуни эслата-ди. Элементлар орасида ўзаро таъсир бўлмагани боис улар бирон-бир тар-тибли таркибни вужудга келтира олмайдилар. Бироқ система ташқи муҳит-нинг энергетик таъсири доирасига тушаркан, элементлар «жунбушга кела-ди», мувозанат ҳолати бузилади. «Гипнотик уйқудан уйғонган» элементлар энди ўзаро алоқадорликда ҳаркатлана бошлайдилар ва таркибни юзага келти-радилар. Бундай таркибни И. Пригожин диссипатив таркиб деб атади. Энг муҳими, диссипатив таркиб ташқи муҳитнинг энергетик таъсирига берилув-чанлик хусусиятини сақлаб қолади, бу ҳол унинг мунтазам ўзгариб боришига замин яратади. Шу кўйи ташқи муҳитдаги ўзгаришлар турли таркибий кон-фигурацияларнинг шаклланишига олиб келади.

Юқоридаги фикрга асосланадиган бўлсак, диссипатив таркибнинг асо-сий хусусияти тартиблиликдир. Бинобарин, тартиблилик деганда системалар-да таркибнинг, яъни элементлар ўртасидаги алоқаларнинг мавжудлигини ту-шунмоқ лозим.

Синергетик ёндашувнинг системалар ташкил топишини ўрганишдаги аҳамияти бекиёсдир. Ушбу ёндашув термодинамика асосчиларини изтиробга солган муҳим саволга жавоб бериш имконини беради. Энтропиянинг (энтро-пия – энергиянинг айланиши жараёнини ифодаловчи физик катталиқ) орта бориши қонунига кўра, моддий системалар иссиқлик мувозанати ва тартиб-сизликка интиладилар; бироқ оламда эса юксак даражадаги тартиблиқ ҳукмрон, бунинг боиси нима? Синергетик ёндашув ушбу саволга жавобан системалар тартибсизликдан тартиб яратишга қодир эканликларини асослаб беради.

б) бутун ва бўлак. Яхлитлик принципи

Системаларнинг ташкил топишини ўрганишда синергетик ёндашувга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ бўлса, уларнинг таркибини таҳлил қи-лишда диалектик ёндашув қўл келади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, синергетика ва диалектика бир-бирини тўлдирувчи, ўзаро боғлиқ таълимот-лардир.

Борлиқнинг, ундаги нарсаларнинг таркиби азал-азалдан фалсафий му-шоҳада объекти бўлиб келган. Нарса нимадан таркиб топади? Бир неча нарса яхлитликни ташкил этиши мумкинми? Айримлик ва умумийлик ўртасидаги алоқадорлик нимадан иборат? Нарсаларнинг тартибсиз йиғиндиси билан тар-тибли йиғиндиси ўртасида нима фарқ бор? Қадимги фалсафий таълимотлар негизида юзага келган бу саволлар аста-секинлик билан фалсафанинг абадий саволларига айланди. Борлиқдаги таркибий алоқалар билан боғлиқ бу савол-лар ҳозирги кунда ҳам фалсафий мунозаралар мавзуи бўлиб келмоқда.

Асрлар давомида шаклланган хулосага кўра, нарсани билиш учун унинг нимадан таркиб топганини аниқлаш лозим. Борлиқнинг тузилишини, таркибини ифодаловчи илк фалсафий категориялар «бутун» ва «бўлак» бўл-ди. Бунда «бўлак» деганда янги, мураккаб нарсаларни вужудга келтиришга қодир бўлган оддий «предметлар» тушунилади. Бутун эса бўлакларнинг йи-ғиндиси, маҳсули сифатида талқин қилинди. Бироқ, ҳар қандай киши фалса-фий мулоҳаза юрита бошларкан, бутун - бўлакларнинг оддий йиғиндиси эмаслигига амин бўлади. Ҳақиқатан ҳам, бўлғуси бино, кема, кўйлак қисм-ларининг жамламаси ҳали бино, кема, кўйлак дегани эмас. Қадимги Юнон фалсафасида машҳур бўлган «Тезей кемаси» номли мулоҳазани олайлик. Те-зей ўз кемасида саёҳатга жўнади. Сафар давомида денгизчилар муттасил ке-мани таъмирлаб, унинг у ёки бу бўлагини янгисига алмаштириб бордилар. Ахийри кеманинг алмаштирилмаган бўлаги қолмади. Савол туғилади: бу ўша сафарга жўнаган эски кемами ёки янгисими? Кема ўша, фақат унинг бў-лакларигина ўзгарди, деб жавоб берадиган бўлсак, беихтиёр «бутун – бўлак-ларнинг оддий йиғиндиси эмас», деган фикрни қўллаб-қувватлаган бўламиз.

Хўш, унда бутунликнинг, яхлитликнинг сири нимада? Яхлитликнинг бутун сир-синоатини бўлақлар ўртасидаги алоқадан изламоқ керак. Ушбу ху-лосанинг шарофати билан яхлитлик принципи ўз ифодасини топди. Унга кў-ра, бутун – бўлақларнинг оддий йиғиндисидан эмас, бўлақлар ва улар ўртаси-даги ўзаро алоқалардан таркиб топади.

Аста-секинлик билан бўлақлар орасидаги турли типдаги алоқалар тур-фа бутунликни, яхлитликни ҳосил қилишини ҳам англаб етишга муваффақ бўлинди. Масалан, таркибий тузилишга оид алоқаларга (кристалл, архитек-тура бинолари) яхлитликнинг таркибий типи, фаолият ва ҳаракатга доир ало-қаларга (машина ҳаракати, организм ҳаёти) яхлитликнинг функционал типи, тараққиётга хос алоқаларга (ўсимликлар ва эмбрион ривож) яхлитликнинг генетик типи мос тушади.

Хуллас, яхлитлик – мураккаб таркибий тузилишга эга объектларнинг умумлаштирилган характеристикасидир. «Бутун – бўлақ» категорияларининг «алоқа» тушунчаси билан бойитилиши «система», «элемент», «таркиб» каби янги фалсафий категорияларнинг шаклланишига, системавийлик ғоясининг юзага келишига замин яратди.

в) система ва элемент. Системавийлик принципи

Бутун ва бўлақлар ўзаро алоқадор экан, демак, улар қандайдир тартибга эга бўлмоғи лозим. Ушбу тартиблиликнинг мантиғи ҳақидаги мулоҳазалар системавийлик ғоясининг шаклланишига олиб келди. Дастурилаввалда сис-темавийлик ғояси билиш жараёнига нисбатангина ишлатилди. Масалан, не-мис классик фалсафасининг атоқли намаёндаларидан бири И. Кант фанни ях-лит система сифатида талқин этганди.

Бироқ табиат ва жамиятни ўрганишда XIX асрнинг ўрталарига қадар механизм ва элементаризм ғоялари ҳукмрон бўлди. Инсониятнинг мураккаб объектларни (кишилиқ жамияти, биологик олам) ўрганишга қўл уриши сис-темавийлик ғояларининг тугал шаклланишига сабаб бўлди. Ушбу ғоянинг шарофати билан «система», «элемент», «таркиб» категориялари шаклланди.

«Система» деганда нимани тушунмоқ керак? В.Н. Садовский ўзининг «Системаларнинг умумий назарияси. Мантикий-методологик таҳлил» номли китобида («Основания общей теории систем. Логико-методологический ана-лиз».- М., 1974) ушбу категориянинг 40 та таърифини келтиради. Уларнинг умумий жиҳатларига асосланадиган бўлсак, система - ўз таркибига эга бўл-ган ўзаро алоқадор элементлар йиғиндисидир (маласан, инсон организми, ав-томобиль, бино).

Системанинг моҳиятини англаб етиш учун «элемент» ва «таркиб» категорияларининг дефинициясидан бохабар бўлиш зарур. Элементнинг асосий хусусияти шундаки, у системани вужудга келтиришда бевосита иштирок эта-ди. Элемент – системанинг бўлинмас қисмидир (албатта, шу система миқёси-да фикрлаганда).

Система ҳақидаги тасаввурлар «таркиб» категориясининг мазмунини аниқлашни тақозо этади. Таркиб – системадаги элементлар орасидаги барқа-рор алоқалар йиғиндисидир. Ҳар қандай системада турли характердаги ало-қалар мавжуд бўлади. Уларнинг баъзилари жиддий аҳамиятга эга, бошқалари эса ўткинчи. Таркиб – система элементлари орасидаги ҳар қандай алоқани эмас, қонуний алоқаларни ифодалайди. Масалан, жамиятдаги ишлаб чиқа-риш муносабатлари мулкчилик, фаолият ва тақсимот муносабатларидан иборат. Бироқ улар орасида мулкчилик муносабатларигина ҳал қилувчи аҳамият-га эга.

Файласуфлар системанинг сифатини белгиловчи мезон ҳақида баҳс юритадилар. XIX асрда элементаризм тарафдорлари системанинг сифатини элемент белгилайди, деб уқдирардилар. Таркибий-функционал таҳлил макта-би тарафдорлари эса (Т.Парсонс) бундай мезонни таркиб билан боғлайдилар. Аслида ҳақиқат ҳар доимгидек «олтин ўрталикда»: системанинг сифати, бир томондан, элементлар (чунки элементларнинг ўзгариши янги алоқаларнинг юзага келишига сабаб бўлади), иккинчи томондан эса, таркиб (чунки таркиб-нинг ўзгариши элементлар функцияларининг бойишига олиб келади) билан белгиланади.

XX асрда ҳар қандай нарса система сифатида ўрганила бошланди. Бу-нинг оқибати ўлароқ фалсафада системавийлик принципи шаклланди. Ушбу принципти қуйидагича ифодалаш мумкин: ҳар қандай нарса ёки ҳодиса ўзаро алоқадор бўлган элементлардан, горизонтал (элементлар орасидаги) ва вер-тикал (системанинг турли даражалари орасидаги) таркибдан ташкил топади.

г) шакл ва мазмун

Нарсадаги турли жиҳатларнинг, элементларнинг бир-бири билан боғ-лиқлигини, борлиқнинг тартиблилигини ифодаловчи категориялардан яна бир жуфтлиги «шакл» ва «мазмун»дир. Антик фалсафада борлиқнинг тартиб-лилигини ушбу категориялар ёрдамида ифодалаш одат бўлганди. Масалан, “шакл” тушунчаси борлиқдаги нарсаларнинг мавжудлик усулларини талқин қилишда қўлланиларди. Юнон фалсафасининг гултожиси ҳисобланган Арис-тотель таълимотида «шакл» категорияси марказий ўринни эгаллаганди. У «шакл» тушунчасини материянинг антиподи сифатида ишлатади. Материя тартибга, шаклга (шакллантиришга) муҳтож. Шакл эса борлиқни тартибга со-лиш қудратига эга.

Кейинчалик Г. Гегель ҳам шаклни тартибга солувчи ре-аллик сифатида талқин этди. Унинг антиподини эса нарсанинг мазмуни би-лан боғлади. Г. Гегель биринчи бўлиб шакл ва мазмун диалектикаси тўғри-сида мулоҳаза юритди.

«Шакл» ва «мазмун» категориялари ҳақида кўплаб мулоҳазалар бил-дирилганига қарамасдан уларга таъриф бериш бағоят мушкул. Ҳарқалай, энг умумий жиҳатларига асосланиб, ушбу тушунчаларнинг мазмунини ифодалаш мумкин. Мазмун деганда нарсанинг (системанинг) муҳим элементлари йи-ғиндиси, ушбу системанинг асосий характери-ни белгиловчи алоқалар тушу-нилади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг мазмунини маълум маҳсулот ва унинг тайёрланиши, кинофильмнинг мазмунини унинг сюжети ташкил этади.

Шакл – у ёки бу мазмуннинг мавжудлик усулидир. Ишлаб чиқаришда меҳнатнинг ташкиллаштирилиши, бадиий асарда композиция шакл вазифа-сини ўтайди.

Шакл ва мазмун бир нарсанинг турли жиҳатини ифода-лайди, шу боис улар ўзаро диалектик алоқадордир. Г. Гегель таъбири билан айтганда, шакл ҳамиша мазмунли, мазмун эса шакллангандир. Шакл ва мазмун ўртасидаги боғланиш беҳисобдир. Бу боғланишда айрим ҳолатда шакл, айрим ҳолатда мазмун ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Масалан, инсон меҳнат қобилияти-нинг (мазмуннинг) ривожланиши инсон қўлининг (шаклнинг) ўзгаришига са-баб бўлган. Тарбия мазмунининг ўзгариши тарбия шакллари-га жиддий таъ-сир ўтказди. Айни пайтда янги шаклларнинг юзага келиши мазмуннинг ўз-гаришига олиб келади. Айтайлик, янги мусиқа асбобларининг яратилиши (шакл) у ёки бу мусиқий асарнинг (мазмуннинг) ижросига таъсир кўрсатиши мумкин.

Бироқ шакл мазмунга қараганда консервативроқ эканлигини, нисбатан секинроқ ўзгаришини назарда тутмоқ даркор. Ҳаёт буни бир неча бор исбот-лаб берган. Айтайлик, жамиятда янги эҳтиёжлар, муносабатлар юзага келга-нига қарамасдан бошқарув шакллари секинлик билан янгиланиши мумкин. Бундай ҳолатда шакл жамият тараққиётига ҳалал бераётган омилга айланади. Шаклнинг секинлик билан ўзгариши, консервативлиги формализм иллати-нинг бўй кўрсатишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис шакл ва мазмун уй-ғунлигини таъминлаш ҳар қандай соҳада энг эътиборли вазифалар туркумига киради.

д) моҳият ва ҳодиса

Борлиқдаги таркибий боғланишларни англаб етиш учун воқеликнинг ботиний ва зоҳирий даражалари хусусида ҳам мулоҳаза юритмоқ зарур. Уш-бу мулоҳазалар “моҳият” ва “ҳодиса” категорияларида умумлаштирилади.

Фалсафий тафаккурнинг илк босқичларидаёқ нарсалар ҳақидаги одатий тасаввуримиз юзаки эканлиги илғаб олинганди. Ваҳоланки, назарий тафаккур

нарсаларнинг асл табиатини тушунишга интилади. Бу зарурият моҳият ва ҳо-диса муаммосини кун тартибига қўйди.

Ҳозирги замон фалсафаси моҳият деганда нарса ёки ҳодисанинг боти-ний, ички, яширин ва нисбатан барқарор жиҳатини тушунади. Ҳодиса эса нарса ёки ҳодисанинг зоҳирӣ, ташқи, ошкор ва беқарор (ўзгарувчан) жиҳа-тидир. Моҳият ва ҳодиса – диалектик алоқадор қарама-қаршиликлардир, шу боис улар бир-бирига мос тушмайди. Баъзан бу қарама-қаршилик ёрқин на-моён бўлади: нарсанинг ташқи белгилари унинг ботиний жиҳатларини мут-лақо яшириб туради. Бундай ҳолларни зоҳир, туюлма деб атайдилар. Зоҳир ёки туюлмага мисол қилиб саробни келтириш мумкин.

Умуман олганда, моҳият ва ҳодисанинг мос тушмаслигини одатий ва-зиятларда ҳам кузатса бўлади. Гегелнинг таъкидига мувофиқ, нарсалар бор-лиғи бир пардадир; бу парда ортида унинг асл моҳияти яшириниб ётади. И. Кант эса ҳодисани инсон ҳиссий органлари ёрдамида билинадиган шакл деб атайди. Бироқ ҳар сафар ҳодиса уни юзага келтирган ботиний жараёнлардан фарқ қилади. Масалан, камалак оддий ҳодисадек туюлади, бироқ унинг мо-ҳиятини сув томчиларида ёруғликнинг жилваланиши ташкил этади.

Бироқ бундан моҳият ва ҳодиса ўртасида ҳеч қандай алоқадорлик йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди. Акс ҳолда оламни билишнинг мутлақо иложи бўлмасди. Моҳият ҳодисада намоён бўлади, ҳодиса эса моҳият ифодасидир. Моҳият ва ҳодиса инсон билиш жараёнининг йўналишини кўрсатувчи (ходи-садан моҳиятга) категориялардир. Ҳодиса бағрида яширинган моҳиятни аниқлаш системанинг (нарсанинг) элементлари, таркиби, яхлитлиги сабабла-рини аниқлаш имконини беради.

ж) айримлик ва умумийлик

Турли категорияларни талқин этарканмиз, биз ҳанузгача бир система-даги (нарсдаги) элементлар ва алоқалар, бир бутуннинг бўлаклари, бир жа-раённинг ички ва ташқи жиҳатлари хусусида фикр юритдик. Хўш, бир неча система (нарса) орасида ҳам алоқадорлик мавжудми? Улар ўртасида ўхшаш-лик ёки тафовут бўлиши мумкинми? Ушбу муаммо устидаги ўйлар «айрим-лик» ва «умумийлик» категорияларининг шаклланишига олиб келди.

Айримлик – алоҳида олинган нарса ёки ҳодисани характерлайди; бу нарса ёки ҳодиса ўзининг «маконий» ва «замоний» хусусиятлари, турли хос-салари билан ўзга нарса ёки ҳодисалардан фарқланиб туради. Умумийлик – айрим нарса ёки ҳодисаларнинг хусусиятларидаги ўхшаш жиҳатларни ифо-даловчи категория. Нарсалар ва ҳодисаларнинг бир типга тааллуқлилиги, бир гуруҳга мансублиги умумийлик белгилари саналади.

Айримлик билан умумийлик орасидаги алоқалар барча нарса ва ҳоди-саларни камраб олади. У инсон тафаккури учун ҳам фундаментал характерга эга. Оламни «айримлик – умумийлик» нуқтаи назаридан билиш учун нарса-ларни қиёслаш, улар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни аниқлаш зарур бўлади.

Реал нарсалар айримдир, яъни ҳар қандай айрим нарса ўзининг такрор-ланмас хусусиятларига эга. Ундан фаркли ўлароқ, умумийлик аниқ «мако-ний» ва «замоний» хусусиятларга эга нарсани эмас, уларнинг такрорланувчи, ўхшаш хусусиятларини ифодалайди, холос. Бироқ бу хулоса узоқ давом этган фалсафий мунозара интиҳосидир. Фалсафа тарихида умумий тушунчалар та-биатида доир баҳс кўп асрларга чўзилди. Бу баҳсда номинализм тарафдор-лари фақат айрим нарсаларнигина реал воқелик деб тан олишар, умумийлик-ни эса фақат тушунча сифатида мавжуд бўлган субъектив реаллик деб билишарди. Реализм вакиллари умумийликни айримлик каби реаллик си-фатида эътироф этардилар. Ҳозирги замон фалсафасида ушбу баҳс ўз ечими-ни топган ҳисобланади.

Айримлик ва умумийлик ўзаро диалектик алоқадорликда намоён бўла-ди. Умумийлик соф ҳолда мавжуд эмас, у айримлик билан биргаликда, уй-ғунликда мавжуд. Айримлик эса у ёки бу гуруҳга мансуб бўларкан, албатта умумий хусусиятларга эга. Бинобарин, айрим нарса нафақат индивидуал, балки бошқа нарсаларда ҳам такрорланадиган умумий хусусиятлардан тар-киб топади.

Айримлик ва умумийлик диалектикаси «алоҳидалик – бир типлилик» тарзида намоён бўлиши ҳам мумкин. Агар нарсада индивидуал хусусиятлар ёрқинроқ намоён бўлса, бу нарсани алоҳидалик деб ифодалайдилар. Агар нарсада бошқа нарсалардагига ўхшаш хусусиятлар кўпроқ бўлса, бу уму-мийликни бир типлилик деб юритадилар.

Хуллас, айримлик ва хусусийлик диалектикаси мазмунини билиш нарсалар орасидаги ўзаро боғланиш табиатини, борликдаги таркибий алоқа-дорлик моҳиятини чуқурроқ билиш имконини беради.

* * *

Мулоҳазаларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: Нрсаларда-ги таркиб уларнинг ички ўзгариш мантиғига мувофиқ равишда ўз-ўзидан ташкил топади. Нарса бутундир, бу бутунлик бўлаклардан таркиб топади. Бў-лаклар нарсадаги таркибий алоқаларнинг шарофати билан бутундир. Ҳар қандай нарса системадан иборат, яъни ўз элементларига эга; элементлар ора-сида эса маълум алоқадорлик мавжудки, бу алоқадорлик нарсанинг таркиби-ни ташкил этади. Нарсада муҳим ва иккинчи даражали белгилар, хусусиятлар мавжуд. Муҳим белгилар йиғиндиси нарсанинг мазмунини ташкил этади. Мазмуннинг мавжудлик усули эса шаклдир. Системадаги турли элементлар ва

алоқалар ботиний ва зоҳирий характерга эга бўлади. Ботиний (барқарор) элементлар ҳамда алоқалар системанинг моҳиятини, зоҳирий (ўзгарувчан) элементлар ҳамда алоқалар эса ҳодисани ташкил этади. Нарса – айримдир. У индивидуал (такрорланмас) ва бошқа нарсада такрорланадиган хусусиятларга эга. Такрорланадиган хусусиятлар умумийлик дейилади.

§3. Детерминизм фалсафаси

Фалсафий билишда детерминизм принципи ўзига хос ўрин тутати. Ушбу принципга кўра, реал табиий, ижтимоий, рухий ҳодиса ва жараёнлар қо-нуний равишда юзага келиб, ривожланиб ва йўқолиб борадилар, улар маълум сабаб билан шартлангандирлар. Ушбу принципдан чекиниш оламни илмий-фалсафий билишга, унинг моҳиятини илм-фан позициясидан талқин қилишга ҳалал беради.

Детерминизм ҳақидаги замонавий тасаввурлар сабаб-оқибат алоқалари ва қонуниятлари ҳақидаги тасаввурлар ривожининг маҳсулидир.

а) Сабаб ва оқибат. Сабабият принципи

Амалий тажрибалар ва кузатишлар, кейинчалик эса илмий тадқиқот-ларнинг далолат беришича, оламда содир бўлаётган ўзгаришларнинг манбаи-ни, яъни бир ҳодисани юзага келтирган бошқа ҳодисани аниқлаш имкони мавжуд. Бу ҳодисаларнинг биринчисини сабаб, иккинчисини оқибат деб юритиш қабул қилинган. Улар ўртасидаги энг оддий алоқадорликни қуйида-гича ифодалаш мумкин:


Схема 4



Кўриниб турибдики, «сабаб – оқибат» алоқаси сабабдан оқибатга қараб йўналган. Демак, улар ўртасидаги муносабат тескари йўналишга эга бўлиши мумкин эмас. Боз устига, сабаб ҳар қандай оқибатни эмас, аниқ бир оқибатни юзага келтиради. Масалан, олма уруғидан олма дарахти, шафтоли уруғидан шафтоли дарахти униб чиқади.

«Сабаб – оқибат» алоқадорлигининг мураккаброқ шакллари ҳам мав-жуд. Буни қуйидаги тарзда намоиш этиш мумкин:


Схема 5



С-п

Айрим сабаблар эса бир неча оқибатнинг юз беришига олиб келади:

Схема 6



Шунингдек, «домино эффекти» номини олган «сабаб – оқибат» алоқа-дорлиги ҳам мавжуд. Бунда бир сабаб навбатма-навбат содир бўладиган оқи-батлар занжирига туртки беради:

Схема 7




«Сабаб – оқибат» алоқадорлигининг мураккаб шаклларида бири физик ва химиклар кашф этган занжир реакциясида намоён бўлади. Бунда воқе-алар ривож «домино эффектидагидек» кечади, лекин ҳар янги феномен бир неча ҳодисанинг сабабига айланади. Бунда схема 6 ва схема 7 уйғунлашиб кетади. Занжирли химик реакциялар, ядро заряди массасининг портлаши ай-нан ана шундай тарзда юз беради.

Сабаб билан оқибат ўртасидаги алоқадорлик бевосита ва билвосита ха-рактерга эга бўлиши мумкин. Бевосита алоқадорликда икки ҳодиса ўртаси-даги муносабат кўзга ташланиб туради (масалан, бильярдда бир шарнинг ик-кинчисига урилиши). Билвосита алоқадорликда эса бундай муносабатни ил-ғаб олиш мушкул кечади. Бунга қуйидаги жараённи мисол қилиб келтирса бўлади: электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши иссиқлик элек-тروстанцияларининг кўпайишига олиб келади; натижада электростанциялар-да ишлатиладиган кўмир ишлаб чиқариш кенгайди; мутаносиб тарзда атмо-сферадаги захарли чиқиндилар миқдори ошиб боради; трубалардан чиқади-ган газ хаводаги кислород билан бирлашиб, сульфат кислотаси ҳосил қилади; ушбу кислота ёмғир сифатида заминга қайтиб, тупроқнинг ифлосланишига ва ўрмонларнинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Олам мукаммалроқ ўрганиб борилгани сари, инсонларнинг сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқадорлик хусусидаги тасаввурлари ҳам кенгайди. Уш-бу алоқадорликнинг янги шакллари аниқланиши сабабият қонуниятлари ҳа-қидаги билимларни янада бойитди. Сабаб ва оқибат ўртасидаги ўзаро таъсир ғояларининг юзага келиши айниқса жиддий эътиборга лойиқ. Ушбу ғояга кў-ра, сабаб маълум оқибатни юзага келтиради, оқибат эса, ўз навбатида, сабаб-га таъсир ўтказа бошлайди:

Схема 8



Масалан, тупроқ ўсимликнинг ривожланишига туртки беради, ўсим-ликлар эса тупроқ таркибининг ўзгаришига олиб келади; иқтисодиёт сиёсий муносабатларнинг маълум шакллари юзага келтиради, сиёсий муносабат-лар эса иқтисодиётга акс таъсир ўтказди.

Фалсафий мушоҳадалар натижасида оқибат нафақат сабабнинг, балки маълум шарт-шароитларнинг махсули эканлиги аниқланди. Шарт-шароит – нарсадаги ички алоқалар ва ташқи омиллар йиғиндисиدير. А–сабаб маълум шарт-шароит бўлганидагина Б–оқибатга олиб келиши мумкин. Шарт-шароит ўзгартирилса, А–сабаб Б–оқибатга эмас, С–оқибатга туртки беради. Оқи-батнинг юз беришига олиб келган сабаблар йиғиндиси ва шарт-шароит фал-сафада сабабий асос деб аталади. Сабабий асос, шунингдек, баҳона, туртки тушунчаларини ҳам камраб олади.

Сабаб ва оқибат ўртасидаги мураккаб алоқадорлик тўғрисидаги фалса-фий ўйлар сабабият принципининг шаклланишига замин ҳозирлади. Ушбу принципга мувофиқ, ҳар қандай оқибат маълум сабаб ва шарт-шароитнинг интиҳосидир; оламда ҳеч қандай ҳодиса бесабаб содир бўлмайди.

б) зарурият ва тасодиф

Сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқадорликда қонуният борлигини таъ-кидлаб ўтдик. Бинобарин, ҳар қандай «сабаб – оқибат» занжири объектив за-руриятдан иборат. Шу йўналишдаги фикрларимиз ўз-ўзидан детерминация алоқаларини ифодаловчи иккинчи жуфтлик – «зарурият» ва «тасодиф» кате-гориялари сари етаклайди.

Зарурият «сабаб – оқибат» алоқаларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. За-рурият – системаларнинг моҳиятига тааллуқли хусусият, қонуний равишда юз бериши лозим бўлган оқибат–ҳодисадир. Тасодиф эса нарсалардаги асо-сий алоқаларга эмас, иккинчи даражали алоқаларга боғлиқ бўлган, юз бери-ши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган ҳодиса, жараён-дир.

Фалсафий детерминизмда тасодифий ҳодисанинг мақомини белгилаш масаласи мавжуд. Масаланинг моҳияти қуйидагича: сабабият принципига кў-ра, ҳар қандай ҳодиса бесабаб юз бермайди. Демак, тасодифий ҳодиса ҳам маълум сабаб махсулидир. Агар сабабнинг оқибатга олиб келишини объек-тив зарурият деб ҳисобласак, тасодифий ҳодиса ҳам объектив зарурият билан боғлиқ бўлиб чиқади. Унда «зарурият» ва «тасодиф» категорияларини қара-ма-қарши қўйишда нима маъни бор?

Фалсафа тарихида масаланинг ички ечими таклиф этилган. Бир гуруҳ файласуфлар сабабият принципини тасодифий ҳодисага нисбатан қўлламай-дилар: улар тасодифни ҳеч қандай сабабга эга бўлмаган ҳодиса, деб талқин қиладилар. Иккинчи гуруҳ файласуфлари эса тасодифни асл сабаблари аниқ-ланмаган ҳодисага қиёслайдилар. Биринчи ечим сабабият принципининг ин-кор этилишига, иккинчи ечим эса «тасодиф» категориясини билиш имкони-ятларининг инкор этилишига олиб келади.

Ҳарқалай, тасодифнинг мавжудлигини рад қилиш бемаънилиқдан ўзга нарса эмас. Агар зарурият мутлақ характерга эга, деб биладиган бўлсак, та-содифга ўрин қолмайди. Бундай зарурият олам тараққиёти мантиғини олдин-дан ёзиб қўйилган сценарийга ўхшатиб қўймайдими?

Аслида «зарурият» ва «тасодиф» категорияларининг мазмунини тўғри аниқлаш учун «шарт-шароит» тушунчасига мурожаат этмоқ зарур. Чунки за-рурият ҳамиша маълум шарт-шароитлар билан шартлангандир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, зарурият нисбий характерга эга. У ёки бу ҳодиса-нинг зарурий характерга эгаллиги ҳақида гапирарканмиз, унга зарурийлик ато этган объектив шарт-шароитни ҳам назарда тутмоғимиз лозим.

Башарти зарурият нисбий характерга эга экан, тасодиф ҳам нисбийдир. Бир ҳодиса А-жараёнда зарурият бўлиб, Б-жараёнда тасодиф саналиши мумкин. Фикримизни асослаш учун жўнроқ бўлсада қуйидаги икки воқеалар зан-жирини келтирамиз:

1.Адҳам озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун дўконга жўнади. Йўлда тўсатдан унинг бошига қурбақа келиб тушди.

2.Қуш қорин тўйдириш илинжида атрофни олазарак кузата бошлади. Бирдан кўзи қурбақага тушди. Қуш унга чанг солди-ю кўкка парвоз қилди. Бироқ маҳкам чанг солмагани боис йўлда қурбақа чангалидан тушиб кетди.

Ҳар иккала воқеалар занжирида ҳам бир эпизод – қурбақанинг тушиб кетиши учрайди. Бироқ биринчи жараёнда бу ҳол тасодифий характерга эга бўлса, иккинчи жараёнда заруриятдир.

Айни пайтда зарурият ва тасодиф диалектик алоқадор эканлигини ҳам унутмаслик даркор. Тасодиф айрим ҳолларда заруриятнинг ўзига хос шакли бўлиши ҳам мумкин. Масалан, жамият тараққиёти ижтимоий прогресс сари интилиб бориши заруриятдир. Бироқ бу зарурият турли тасодифий воқеалар-нинг изчил занжири тарзида намоён бўлади. Бошқа мисолни олайлик. Ноев-клид геометриясининг айнан Лобачевский томонидан кашф этилиши тасо-дифдан ўзга нарса эмас. Бироқ XVIII аср охири - XIX аср бошларидаги гео-метрия фани тараққиёти ноэвклид геометриясининг кашф қилиниши учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиб бўлганди. Айтмоқчи, Лобачевский-дан

айри ҳолда ноэвклид геометриясининг Больяи ва Гусс томонидан очили-ши ҳам шу заруриятнинг мавжуд бўлганидан далолат беради.

в) имконият ва воқелик

Зарурият ва тасодиф ўртасидаги диалектик алоқадорлик имкониятнинг воқеликка айланиши диалектикаси билан боғлиқ. Системалар тараққиётидаги ҳар бир босқич кейинги ривожланиш босқичларига ўтиш учун кўплаб имко-ниятлар яратади. Ушбу имкониятлардан бирортасининг келажакда руёбга чи-қиши тасодифий характерга эга. Бинобарин, сабаб-оқибат занжирини тўлиқ тасаввур этиш учун «имконият» ва «воқелик» категорияларига мурожаат қилиш лозим.

«Сабаб-оқибат» муносабатлари сабаб-ҳодиса зарурий ёки тасодифий оқибатни юзага келтирганда содир бўлади. Башарти сабаб-ҳодиса содир бўл-маган бўлса-ю, лекин юзага келиши мумкин бўлса, уни имконият деб атайдилар. Имконият – сабаб-ҳодисанинг айрим элементлари мавжудлигини, ай-римлари эса ҳали мавжуд эмаслигини ифодаловчи категориядир. Воқелик эса объектив реалликка айланган имкониятдир.

Воқелик актуал (мавжуд) борлиқ, имконият эса потенциал борлиқдир. Актуал борлиқ негизида келажакдаги воқелик имкониятлари мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, воқелик негизида келажакдаги воқелик имконияти мав-жуд, имконият эса келгусида юзага келадиган воқеликдир. Масалан, жамия-тимиз демократлаштирилаётган ва янгиланаётган, мамлакатимиз ислоҳ эти-лаётган ва модернизация қилинаётган бугунги даврни воқелик десак, унинг негизида мавжуд бўлган келгуси фуқаролик жамияти асослари имкониятдир.

Имкониятни имконсизликдан ажратмоқ лозим. Бунинг учун «эҳтимол-лик» тушунчасининг мазмунидан бохабар бўлмоқ лозим. Эҳтимоллик – им-кониятнинг миқдорий меъёридир. Айрим имкониятларнинг воқеликка айла-ниши эҳтимоли катта, бошқаларининг эҳтимоли эса кичик бўлади. Имконсиз-ликда эса бундай эҳтимоллик даражаси мутлақо бўлмайди. Имконият ва им-консизлик ўртасидаги тафовутни яхши тасаввур этиш учун учта мисолга эътибор берайлик.

1. «Алишернинг уйига дўсти келармиш».
2. «Алишернинг уйига Президент келармиш».
3. «Алишернинг уйига Наполеон келармиш».

Биринчи имкониятда эҳтимоллик даражаси ниҳоятда катта. Бирор бир тасодифий ҳолат содир бўлмаса, ушбу имконият албатта воқеликка айланади. Иккинчи имкониятда ҳам кам бўлса-да, эҳтимоллик даражаси мавжуд. Ал-батта, давлат раҳбарининг оддий фуқаро уйига ташриф буюриши кам учрай-диган ҳол, лекин бундан тилга олинган

имконият ҳеч қачон воқеликка ай-ланмайди, деган хулоса келиб чикмайди. Учинчи таъкид эса, табиийки, мут-лақ имконсизликдан иборат.

Имконият ва воқеликнинг диалектик тушунилиши катта амалий ва на-зарий аҳамиятга эга. Инсоннинг объектив реалликни ўзгартиришга қаратил-ган амалий фаолияти актуал борлиқда имконият сифатида мавжуд бўлган тенденциялар, омиллар ва шарт-шароитларни ўрганишни тақазо этади. Чунки инсон ўз мақсадига эришиши учун уни (ўз мақсадини) объектив имконият-ларга мослаштирмоғи даркор. Билиш жараёнида эса нафақат воқелик, балки имконият ҳам акс эттирилади, ўрганилади. Негаки, имкониятлар ҳақидаги билимларгина инсоннинг билиш жараёнига прогностик характер бахш этади.

* * *

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: Ҳар қандай нарса, ҳодиса, жараён қонуний равишда юзага келиб, шаклланиб ва йўқолиб боради. Шаклланиш занжиридаги биринчи ҳодиса сабаб, иккинчиси эса оқи-бат дейилади. Сабаб ва оқибат ўртасидаги диалектик алоқадорлик мураккаб характерга эга. Юзага келган оқибат қонуний (кутилган) равишда содир бўл-са зарурият билан, кутилмаган оқибат эса тасодиф билан боғлиқ бўлади. Объектив реалликдаги нарсалар воқедир. Ушбу воқелик негизида келгусида юзага келадиган воқелик имконият сифатида мавжуд бўлади.

§4. Тараққиёт концепциялари

а) тараққиёт ғояси динамикаси

Тараққиёт ғояси инсон онгида бир неча аср мобайнида шакллана бор-ди. Назарий тафаккур ибтидосида ҳали тараққиёт ҳақидаги тасаввурлар шаклланмаганди, бунга ривожланаётган объект тўғрисидаги билимларнинг етишмаслиги ҳалал берарди.

Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнонистонда ижод қилган мутафаккир-лар борлиқ ҳақида мулоҳаза юритарканлар, нарса ва ҳодисаларнинг юзага ке-лиши, шаклланиши, бир ҳодиса ўрнини иккинчиси эгаллаши жараёнига эъти-бор берардилар. Улар қарама-қаршилиқларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири нарсанинг шаклланишига олиб келади, деган хулосага келдилар. Бироқ оламнинг ўзгариши ҳақида тўғри хулоса чиқарганларига қарамасдан, қадимги дунё файласуфлари тараққиёт ғояси кашфиётчилари даражасига кўтарила олмадилар. Уларнинг наздида олам такрорланиб турадиган циклли ҳодисалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаверди.

Тараққиётни сифатий ўзгаришлар жараёни сифатида тасаввур этиш учун «замон» тушунчасини тўғри талкин қилмоқ зарур эди. Бу борада илк қа-дамни ўрта асрларда мусулмон ва христиан фалсафаси қўйди. Мусулмон фалсафаси ҳаётни боқий дунёга элтувчи вақтинчалик, ўткинчи бир давр деб, христиан фалсафаси эса Халоскорнинг

ташриф буюришини кутиш даври деб тасаввур этди. Шу кўйи, диний асосда бўлса-да, воқеа ва ҳодисаларнинг даврий, «замоний» йўналганлиги кашф қилинди. Бу қадимги дунё дунёқарашига хос бўлган циклиликка, такрорланувчанликка чек қўйди.

Кейинги даврлардаги фалсафий мулоҳазалар тараққиёт ғоясининг шаклланишига замин яратди. Масалан, Р. Декарт оламни Худонинг иродаси билан вужудга келган реаллик сифатида тасаввур қилади. Яратилган олам ке-йинчалик янги шаклларга интила боради, дейди у. Р.Декартнинг тараққиёт ҳақидаги фикрлари фақат табиатни қамраб олган бўлса, француз маърифат-парварлари Ф. Вольтер ва Ж.-Ж. Руссо тарихий тараққиёт ғоясини илгари сурдилар. Ж. Кондорсэ ушбу фикрларни узлуксиз прогресс ғояси билан бо-йитди.

Тараққиёт ҳақидаги асл назария немис классик фалсафаси негизида ву-жудга келди. И. Кант «тараққиёт» тушунчасини Қуёш системасига нисбатан қўллар экан, оламнинг сифатий ўзгариши ҳақидаги янгича қарашларга асос солди. Г. Гегель эса илк бор тараққиёт ҳақидаги яхлит концепцияни ишлаб чиқди. Диалектика номини олган ушбу концепция нафақат янги тараққиёт моделларининг шаклланишига замин ҳозирлади, балки барча замонавий кон-цепцияларнинг ҳам назарий-методологик асосини ташкил этди.

Г. Гегельнинг мантикий-гносеологик диалектикаси XIX асрда тараққи-ётнинг уч асосий концепцияси юзага келишига сабаб бўлди:

1. Тараққиётнинг градуалистик концепцияси. Ушбу концепция муал-лифи Г.Спенсер бутун табиатни босқичма-босқич эволюция маҳсули сифа-тида талқин этди.

2. Тараққиётнинг натуралистик концепцияси. Унинг асосчиси Ч.Дар-вин тараққиёт ва эволюция ғояларини биология предметига нисбатангина ишлатди.

3. Тараққиётнинг диалектик-материалистик концепцияси. Мазкур мо-дель муаллифлари К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.Ленин тараққиётни материянинг сифатий ўзгариши позициясидан таърифлайди.

Бугунги кунда ҳам тараққиёт концепциялари бисёр. Франкфурт мак-табининг негатив диалектикаси, Ғарб фалсафасида машҳур бўлган «фожиа-вий диалектика», «эпистемологик диалектика», рус файласуфлари ишлаб чиққан «теокосмик бирлик диалектикаси», «парадоксал диалектика», «анти-номик диалектика» ана шундай концепциялар туркумига киради. Талқинлар-нинг кўплиги тараққиётнинг мураккаб жараён эканлигидан далолат беради. Энг муҳими, ушбу концепцияларнинг позитив жиҳатларини кўра билиш ва умумлаштира олиш лозим. Тилга олинган концепциялар синтези тараққиёт ҳақида кенг тасаввур шакллантира олади.

б) «тараққиёт» тушунчаси

Тараққиёт диалектиканинг асосий предмети ҳисобланади. Ривожланиш қонунларини билиш эса тараққиёт жараёнини бошқариш, оламни объектив қонунларга мутаносиб тарзда ўзгартириш имкониятини яратади.

Тараққиёт деганда бутун олам тараққиётини тушунмаслик керак. Та-раққиёт аниқ моддий ва маънавий системалар билан боғлиқ: айрим орга-низм, Қуёш системаси, жамият, бирор-бир назариягина ривожланувчан сис-тема сифатида таҳлил қилиниши мумкин. Конкрет системалардан ташқарида тараққиёт йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Борлиқ тараққиёти ҳақида гапир-ганда ундаги системаларнинг ривожланишини, ундаги имкониятларнинг во-қеликка айланиши жараёнини назарда тутамиз. Ҳатто материянинг бирор бир шакли, Метагалактика ривожланиши ҳам борлиқ тараққиёти деб аталиши мумкин эмас, чунки, биз юқорида амин бўлганимиздек, айримлик билан уму-мийлик ўртасида жиддий тафовут мавжуд.

Айни пайтда яна бир фикрга эътибор бермоқ зарур. Тараққиёт деганда бир системанинг ўрнини бошқаси томонидан эгаллашини тушунмаслик ке-рак. Гап бир нарсанинг бошқа нарса билан алмашинуви хусусида эмас, бир нарса миқёсидаги ўзгаришлар ҳақида бормоқда.

Тараққиёт мураккаб, серқирра, кўп босқичли жараёндир. Унинг уч ху-сусияти мавжуд:

1.Тараққиёт, энг аввало, системадаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Маъ-лумки, объектларда муттасил қандайдир ўзгариш содир бўлиб туради (бунда ўзгариш деганда объектлардаги ҳар қандай ҳаракат, элементлар орасидаги ўзаро таъсир тушунилади). Бунга амин бўлиш учун қисқа муддат мобайнида объектни кузатиш кифоя: бу давр ичида объектдаги айрим хусусиятлар йў-қолади, улар ўрнига янгилари юзага келади. Кузатиш натижасида объектдаги «мақоний» характеристикаларнинг (ўлчовларнинг), ҳароратнинг, бошқа ху-сусиятларнинг ўзгаришига гувоҳ бўламиз. Мантиқан фикрлаганда, ана шу ўз-гаришлар миқдорий ва сифатий характерга эга бўлиши мумкин. Бошқача айт-ганда, айрим ўзгаришлар нарсадаги миқдорий хусусиятларининг янгилани-шига олиб келса, бошқалари сифатий хусусиятларининг алмашинувига сабаб бўлади. Айнан ана шу сифатий ўзгариш тараққиётнинг биринчи хусусияти деб аталади. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, тараққиёт - ўзгаришнинг ўзи-га хос типидир.

2.Тараққиёт системадаги такрорланмас, қайтарилмас ўзгаришлар билан боғлиқ. Тараққиёт нарсадаги биргина сифатий ўзгариш билан характерлан-майди. Сифатий ўзгаришларнинг бир нечтаси, боз устига, ушбу ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликкина ривожланиш сифатида тан олинishi мумкин. Си-фатий ўзгаришлар занжири эса такрорланмас, ортга қайтмас характерга эга. «Такрорланмаслик», «қайтарилмаслик»

тушунчасининг мазмунини тўлиқ ил-ғаб олиш учун унинг антиподига мурожаат қилиш керак: такрорланувчанлик деганда нарсадаги бир сифатий ҳолатнинг вақт ўтиши билан яна тикланиши англанади. Такрорланувчанлик доира шаклидаги, такрорланмаслик эса спи-рал шаклидаги сифатий ўзгаришлардир.

3.Тараққиёт маълум йўналишга эга бўлган сифатий ўзгаришлар билан боғлиқ. Системада содир бўлган ҳар қандай янги сифатий ўзгариш унинг та-раққий этаётганидан далолат бермайди. Янги сифатий ҳолат эскиси билан алоқадор бўлганида, эски ва янги сифатий ҳолатлар ўртасида маълум вори-сийлик бўлганидагина тараққиёт ҳақида гапириш мумкин. Бинобарин, тарақ-қиёт бир йўналишдаги сифатий ўзгаришларни қамраб олади.

Тилга олинган уч хусусият «тараққиёт» категориясини таърифлаш им-конини беради. Шундай қилиб, тараққиёт - системадаги такрорланмас, маълум йўналишга эга бўлган сифатий ўзгаришлардир.

Ушбу таърифга яна бир қўшимча қилиш мақсадга мувофиқ. Гап шун-даки, системада юзага келган янги сифатий ҳолат ҳамма вақт ҳам аввалгиси-дан яхшироқ бўлавермайди. Тараққиёт бир ҳолатда системадаги элементлар миқдорининг ошишига, таркибининг мукаммаллашишига олиб келса, иккин-чи ҳолатда системадаги элементларнинг камайишига, таркибнинг заифлашу-вига сабаб бўлиши мумкин. Тараққиётнинг биринчи, ижобий типини про-гресс, иккинчи, салбий типини регресс деб аталади. Прогресс ва регресс, аф-тидан, умумсистемавий характерга эга эмас: системадаги айрим сифатий ўз-гаришлар прогрессив характерга, бошқалари эса регрессив характерга эга бў-лиши мумкин. Прогресс ва регресс диалектик алоқадордир.

в) диалектик зиддият қонуни

Тараққиёт жараёни ўз қонунларига (қонун - системадаги ички, муҳим, зарурий ва такрорланувчан алоқаларни ифодаловчи тушунча) ва қонуниятига (қонуният - системаларнинг маълум қонунларга асосан ривожланишини ифо-даловчи тушунча) эга.

Хўш, система (наrsa, ҳодиса, жараён) қандай ва ниманинг эвазига ри-вожланади? Бу саволга жавоб бериш учун «хосса» тушунчасининг мазмуни-ни билмоқ зарур. Хосса - системанинг ўзига хос хусусиятларини, белгилари-ни ифодалайди. Ҳар қандай наrsa, ҳодиса, жараён турли хоссалар йиғиндиси-дир. Масалан, инсоннинг бўйи, оғирлиги, терисининг рангидан тортиб ижти-мойи фазилатларига қадар барча-барчаси унинг хоссаси сифатида баҳолани-ши мумкин.

Эътиборли жойи шундаки, бир наrsaда бир вақтнинг ўзида бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган хоссалар жамланади. Масалан, «остки қисм - устки қисм», «чап

томон - ўнг томон», «хўл - курук» ва ҳоказо. Кенгрок фикрлаганда, насада бирор бир хосса йўқки, айнаи вақтда унга қарама-қарши бўлган бошқа хосса топилмаса. Ушбу қарама-қаршиликлар ҳамيشа бирга ва ҳамيشа бир-бирига ўтиб туради. Бироқ уларнинг барчаси ҳам диалектик қарама-қаршиликлар, яъни тараққиётга хизмат қиладиган қарама-қаршиликлар бўлавермайди. Нарсанинг сифатий ўзгаришига олиб келадиган қарама-қаршиликларгина диалектик характерга эгадир. Бундай қарама-қаршиликлар туркумига «миқдор-сифат», «шакл-мазмун», «бутун-бўлак», «сабаб-оқибат» ва ҳоказолар киритилиши мумкин.

Лекин диалектик қарама-қаршиликлар мавжудлигининг ўзиёқ нарсанинг ривожланишига олиб келавермайди. Нарса, ҳодиса, жараён тараққий этиши учун мазкур диалектик қарама-қаршиликлар ўзаро сиғишмайдиган, яъни зиддият ҳолатига келиши даркор. Ушбу жараёни «гармония-дисгармония-конфликт» тарзида тасвирлаш мумкин. Фикримизга мисол келтирайлик. Система сифатида ўсимликлар дунёси ҳақидаги билимларни оламир. Бу дунё турли хоссалардан иборатлигини айтиб ўтишга ҳожат йўқ. Ана шундай хос-салар бизнинг маълум билимларимиз системасида ўз ифодасини топган. Ма-салан, К.Линней XVIII асрда ифодалаб берган ғояга кўра, ўсимлик турлари ўзгармасдир. Бироқ палеонтологик маълумотлар ўсимлик шаклининг ўзга-рувчанлигидан далолат беради. Натижада зиддиятли ҳолат юзага келдики, бу ҳолат Ч.Дарвиннинг «табиий танлов назарияси» кашф этилиши билан интиҳо топди. Биз келтирган мисолда системанинг (ўсимликлар дунёси ҳақидаги би-лимлар) икки хоссаси (биринчиси - ўсимликлар шаклининг ўзгармаслиги ҳа-қидаги ғоя, иккинчиси - ўсимликлар шаклининг ўзгарувчанлиги тўғрисидаги маълумот) унинг тараққий топишига (янги назария билан бойишига) сабаб бўлгани яққол кўриниб турибди.

Бошқа мисол келтирамиз. Система сифатида ишлаб чиқаришни оламир. Унинг икки диалектик қарама-қарши хоссаси мавжуд:

- а) маҳсулот тайёрлаш;
- б) меҳнатни ташкил қилиш.

Маълум пайтга қадар ушбу хоссалар ўртасида гармония (уйғунлик) мавжуд бўлади. Бироқ жамиятда маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг ўзгариши маҳсулот тайёрлаш технологиясини янгилашни тақозо этади. Бу технология-нинг ўзгариши билан хоссалар орасидаги уйғунлик бузилиб, зиддиятли ҳолат вужудга келади. Меҳнатни ташкил қилиш методикасининг ўзгартирилиши эса ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келади.

Юқоридаги мисоллардан диалектик зиддият (диалектик қарама-қарши-ликларнинг ўзаро сиғишмайдиган ҳолатга келиши) жараёни фақат гносеоло-гия ёхуд ижтимоий ҳаётга хос экан, деган хулосага келмаслик керак. Ушбу жараён борлиқнинг барча шакллари

тааллуқлидир. Атомнинг система си-фатидаги тараққиёти ҳам икки қарама-қарши хоссанинг – мусбат зарядли яд-ро билан манфий зарядли электрон бирлиги ва «курашига» боғлиқдир. Шу-нинг учун ҳам диалектик зиддият қонунини универсал қонунлар туркумига киритадилар.

Диалектик зиддиятни ҳодисаларнинг зоҳирий, юзаки қисмидан изла-маслик керак. У системаларнинг асл моҳиятида яширинган бўлади. Ташқи зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар моҳиятдан ўрин олган диалектик зидди-ят ифодасидир, холос. (Диалектик зиддият қонуни кашфиётчиси Г. Гегель ушбу қонунни «Мантиқ илми» номли китобининг «Моҳият» бобида таҳлил қилгани ҳам бежиз эмас). Шу боис тараққиётга элтадиган туб диалектик зид-диятларни илғаб олиш учун назарий-фалсафий фикрлашнинг олий даражаси-га кўтарилиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, тараққиётнинг биринчи - диалектик зиддият қонуни қу-йидагича таърифланади: нарса, ҳодиса ёки жараёнда мавжуд бўлган диалек-тик қарама-қаршилиқлар яхлит бирликни ташкил этадилар, улар ўртасида ди-алектик зиддият ҳолатининг юзага келиши эса системанинг тараққий этиши-га олиб келади.

г) миқдорнинг сифатга ўтиш қонуни

Биз нарса, ҳодиса ёхуд жараённинг турли хоссалар йиғиндисидан ибo-ратлигини таъкидлаб ўтдик. Энди ушбу хоссаларнинг нарса борлиғи нуқтаи назаридан муҳимлиги ёки муҳим эмаслиги даражасига эътиборни қаратай-лик. Шундай хоссалар борки, уларнинг мавжудлиги, ўзгариши ёки йўқоти-лиши нарса борлиғига таъсир қилмайди. Масалан, инсон овозининг ўзгариши ёки йўқолиши унинг инсон сифатида ўз фаолиятини тўхтатганлигидан дало-лат бермайди. Айни пайтда, шундай хоссалар борки, уларнинг ўзгариши ва йўқолиши нарсанинг «ўлиши»га, бошқа нарсага айланишига сабаб бўлади. Мисол сифатида инсон ахлоқини ёхуд хотирасини олайлик: ахлоқ ёки хо-тиранинг йўқолиши - инсонийликнинг йўқолишидир.

Биринчи туркумдаги хоссаларни фалсафада муҳим бўлмаган хоссалар деб, иккинчи туркумдаги хоссаларни эса муҳим хоссалар ёхуд атрибутлар деб аталади. Нарсани нарса сифатида мавжуд қилиб турган, уни яхлит сис-тема тарзида характерлайдиган ана шу атрибутлар йиғиндисига сифат дейи-лади.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам мавжуд. Нарсадаги ҳар қандай хоссани ўлчаш ёки турли рақамларда ифодалаш мумкин. Бунда ҳар бир хоссанинг ўз ўлчов бирлиги мавжуд. Айтайлик, нарсанинг бўйи, эни, узунлигини метрлар-да, оғирлигини килограммларда ва ҳ.к. ҳисоблаш, ўлчаш мумкин. Нарса хос-саларининг ўлчов бирликларидаги, рақамлардаги ифодасини миқдор деб атаимиз.

Системанинг миқдори ва сифати диалектик алоқадордир. Ҳар қандай сифат миқдорий характеристикаларда ифодаланиши мумкин. Миқдор эса сифатнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Айнан шу ҳолатга қадимги дунё файла-суфлариёқ эътибор берган эдилар. Аввалбошда сезиларли бўлмаган кичик ўз-гаришлар йиғила-йиғила катта ўзгаришларга олиб келади. Инсон бошидаги соч миқдорининг камайиб бориши анча вақтгача мутлақо сезилмайди, бироқ эртами-кечми унинг кал бўлиб қолганини аниқлашади. Қизиғи шундаки, нар-санинг бир сифатий ҳолатдан бошқа сифатий ҳолатга ўтиши чегарасини аниқлаш (масалан, одамнинг кал бўлган кунини) бағоят мушкул.

«Меъёр» ва «сакраш» тушунчаларининг кашф этилиши ушбу мушкул-лотни ҳам ойдинлаштирди. Гап шундаки, миқдор ва сифат бир-бирини тақозо этадиган, айна пайтда диалектик қарама-қарши бўлган хусусиятлардир. Уларнинг ўзгариши маълум давр (вақт интервали) давомида нарса сифатий ҳолатига таъсир қилмайди. Ана шу интервални меъёр деймиз. Бошқача айта-диган бўлсак, меъёр - миқдор ва сифатнинг нарса ҳолатига таъсир кўрсатмай-диган диалектик бирлиги даври, интервалидир. Шу интервал тугагач, нарса бир сифатий ҳолатдан бошқасига ўтади. Системанинг маълум бир сифатий ҳолатдан ўзга сифатий ҳолатга ўтиши чегарасини сакраш деймиз.

Аксарият ҳолларда «меъёр» ва «сакраш» тушунчаларининг мазмуни нотўғри талқин этилади. Масалан, кундалик ҳаётда «меъёрдан ошиб кетди» деган иборани ишлатамиз ва бунда «меъёр» деганда маълум чегарани назарда тутамиз. Аслида бундай эмас. Фикримизни исботлаш учун бир мисол келтир-сак. Агар снарядни ердан икки километр баландликка секундига 1000-7909 метр тезлик билан отсак, у ерга қайтиб тушади. Тезлик секундига 7910-11188 метрни ташкил этса, одатий парвоз космик парвозга айланади. Ниҳоят, тез-лик 11189-16662 м/с бўлганда сайёралараро парвознинг гувоҳи бўламиз. Ушбу мисолда уч меъёр мавжуд:

Схема 8

№	Меъёр	Миқдор	Сифат
1.	Меъёр 1	1000-7909 м/с	Сайёравий парвоз
2.	Меъёр 2	7910-11188 м/с	Космик парвоз
3.	Меъёр 3	11189-16662 м/с	Сайёралараро парвоз

Ҳар бир меъёр давомида нарсанинг бир сифатий ҳолати (сайёравий парвоз, космик парвоз, сайёралараро парвоз) сақланиб туради. Бир меъёрдан иккинчисига ўтиш чегараси (масалан тезликнинг 7909 м/с дан 7910 м/с га –сайёравий парвознинг космик парвозга ўтиши) сакраш ҳисобланади.

Шундай қилиб, миқдорнинг сифатга ўтиш қонуни қуйидагича изоҳ-ланади: нарсанинг миқдори маълум меъёр давомида сифатга таъсир ўтказ-майди, лекин меъёрдан ўтганидан сўнг ҳар қандай миқдорий ўзгариш сифа-тий ўзгаришга олиб келади.

д) диалектик синтез қонуни

Тараққиёт бир сифатий ҳолатнинг бошқаси билан алмашилиши жараёни эканлигини айтиб ўтдик. Бироқ нарсадаги сифатий ҳолатларнинг стихия-ли тарзда ўзгариб бориши тараққиётга элтмайди. Бунда ҳам қандайдир қону-ният бўлиши керак.

Ҳамма гап шундаки, нарсанинг янги сифатий ҳолати аввалги ҳолатга хос бўлган сифатларнинг айримларини сақлаб қолади. Шу тарзда нарса ўзга-ришида ворисийлик мавжуд бўлади. Г. Гегель бу жараёни «тезис – антитезис – синтез» тарзида акс эттиради. Мутаффақирнинг фикрича, ғоянинг ри-вожланиши (Г.Гегель диалектикаси идеалистик характерга эга бўлганини унутмаслик лозим) қуйидагича кечади: тезис - мулоҳаза занжиридаги илк фикрдир; бироқ кейинги мулоҳазалар ушбу фикрни инкор этувчи янги фикр-нинг (антитезиснинг) туғилишига олиб келади. Антитезиснинг юзага келиши сўнгги инстанциядаги ҳақиқат туғилди, дегани эмас. Мулоҳазаларнинг ке-йинги босқичида тезис ва антитезисдаги энг умумий, қимматли, эътиборли фикрлар синтез қилинади.

Материалистик диалектика тарафдорлари Г.Гегель триадасини мате-рияга нисбатан қўллайдилар. Уларнинг фикрича, материя маълум муддат ўз хоссаларини сақлаб туради. Сўнгра деструкция (аввалги хоссаларнинг йўқо-лиши) жараёни бошланади. Бу жараёнинг иккинчи босқичида кумуляция (хоссаларнинг қисман сақлаб қолиниши) содир бўлади. Ниҳоят, конструкция (янгининг шаклланиши) жараёнида энг эътиборли эски хоссалар янгилари билан уйғунлашади.

Схема 8 га қайтайлик. Меъёр 1 давомида нарса маълум хоссаларга ва таркибга эга бўлади. Меъёр 2 да система (нарса) тараққиётга халал бераёт-ган хоссалар ва таркиб бузилади. Бироқ ривожлана борар экан, система Меъ-ёр 2 давомида инкор этилган Меъёр 1 хоссалари ва таркибига эҳтиёж сеза бошлайди. Шу боисдан Меъёр 3 да Меъёр 1 ва Меъёр 2 давомида мавжуд бўлган айрим (энг аҳамиятли) хосса ҳамда таркиблар уйғунлаштирилади (синтез қилинади). Бу мантикий изчиллик тараққиётнинг учинчи қонунияти саналади.

Мисол келтирамиз. Россияда Октябрь инқилобига қадар иқтисодиёт мулкчиликлнинг турли шакллари таянар эди (Меъёр 1). Бироқ инқилоб ту-файли давлат тепасига келган коммунистларнинг сиёсати ўлароқ, иқтисоди-ётда жамоатчилик мулки устуворлиги таъминланди (Меъёр 2). Бироқ XX аср 20-йилларининг ўрталарига келиб, ижтимоий тараққиётнинг ўзи янги иқтисо-дий сиёсатга ўтишни тақазо этди (Меъёр 3). Бу

босқич аввалги икки босқич-ларда мавжуд бўлган энг эътиборли хосса ва таркибларни синтез қилганди: бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига жамоатчилик мулкнинг устуворли-гини сақлаган ҳолда мулкчилик плюрализми жорий этилди.

Аммо ушбу қонун тараққиётнинг аввалги икки қонуни каби умумий ҳа-рактерга эга эмас. Биринчидан, диалектик синтез қонунини фақат прогрессив тараққиётга нисбатангина қўллаш мумкин (чунки регрессив тараққиёт аҳами-ятли хосса ва таркибларни ворис қилиб олишга асосланмаган). Иккинчидан, прогрессив тараққиётнинг барча тармоқларида ҳам ушбу қонун намоён бўла-вермайди. Шу боис бу қонунга конкрет ёндашув талаб қилинади.

* * *

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади. Тараққиёт ҳақидаги ғоялар узок давом этган фалсафий тафаккур маҳсулидир. Тараққиётнинг яхлит концепциясини илк бор Г.Гегель ишлаб чиққан. Унинг мулоҳазалари асосида ўнлаб замонавий тараққиёт концепциялари шакллан-ди. Ушбу концепциялардаги энг аҳамиятли фикрлар синтези тараққиёт тўғ-рисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Тараққиёт – систе-мадаги такрорланмас, маълум йўналишга эга бўлган сифатий ўзгаришлардир. Унинг уч асосий қонуни мавжуд: а) диалектик зиддият қонуни; б) миқдор-нинг сифатга ўтиши қонуни; в) диалектик синтез қонуни. Фан ва техника тараққиёти ривожланишнинг янги умумий қонунларининг кашф этилишига олиб келиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар:

1. Фалсафа. Қ. Назаров тахрири остида.- Т., 2000, 160-193-б.
2. Философия. Под ред. В. П. Кохановского.- Ростов-на-Дону, 1999, с. 146-161, 240-262.
3. Фалсафа. Э. Юсупов тахрири остида.- Т., 1999, 188-234-б.
4. Спиркин А. Г. Философия.- М., 1998, с. 285-335.
5. Алексеев П. В., Панин А. В. Философия.- М., 1997, с. 374-508.

Қўшимча адабиётлар:

1. Аверьянов А.Н. Системное познание мира.- М., 1985.
2. Гегель Г. Энциклопедия философских наук.- М., 1974, т.1.
3. Крупномасштабная структура Вселенной.- М., 1981.
4. Мамилев Ю. В. Судьбы бытия.// Вопросы философии.- 1993.- №10.
5. Никитин Е. П. Сушность и явление. Категории “сушность” и “явление” и методология научного исследования.- М., 1961.
6. Пригожин И. Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог “Человека с природой”.- М., 1986.
7. Синергетика. –М., 1980.
8. Современный детерминизм и наука.- М., 1975, т.1.
9. Фурман А. Э., Ливанова Г. С. Круговороты и прогресс в развитии материальных систем.- М., 1971.
10. Хрестоматия по философии. Сост. П. Алексеев, А. Панин. Москва, 1997, с. 429-522.
11. Шептулин А. П. Категории диалектики.- М., 1971.
12. Энгельс Ф. Табиат фалсафаси.- Т., 1983.

М у н д а р и ж а:

Кириш.....	3
-------------------	----------

Биринчи боб БОРЛИҚНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ

§1. Борлиқни фалсафий тушуниш.....	4
§2. Борлиқ даражалари ва асосий шакллари.....	11
§3. Субстанция муаммоси.....	21
§4. Моддийлик ва маънавийлик диалектикаси: материя ва рух.....	23
§5. Ҳаракат.....	31
§6. Макон ва замон.....	35

Иккинчи боб БОРЛИҚДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

§1. Борлиқдаги универсал алоқадорлик ва ўзгарувчанлик.....	43
§2. Тартиблилик ва системавийлик.....	48
§3. Детерминизм фалсафаси.....	58
§4. Тараққиёт концепциялари.....	65
Фойдаланилган адабиётлар.....	76